



O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ

Haftalik gazeta 1956-yil 4-yanvardan chiqarib boshlagan

e-mail: info@uzas.uz

2016-yil 1-iyul №27 (4374)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИ ДАВЛАТ РАҲБАРЛАРИ КЕНГАШИ МАЖЛИСИ ЯКУНЛАРИ БЎЙИЧА БРИФИНГДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

Аввал хабар қилинганидек, шу йилнинг 24 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгаши мажлиси яқунлари бўйича оммавий ахборот воситалари учун ушатирилган брифингда нутқ сўзлади. Қуйида ана шу нутқ матни чоп этилмоқда.

Ҳурматли оммавий ахборот воситалари вакиллари, хонимлар ва жаноблар, сизларни самимий қутлаш ва Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Тошкент саммитига катта қизиқиш билдирганингиз учун яна бир бор миннатдорлик билдиришга ижозат бергайсиз.

ШХТ Давлат раҳбарлари кенгашининг ташкилот ташкил топганининг 15 йиллигига бағишланган юбилей мажлиси очик ва амалий руҳда ўтганини мамнуният билан таъкидламоқчиман. Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар, шунингдек, Афғонистон, Беларус, Ҳиндистон, Эрон, Мўғулистон, Покистон, Туркменистон каби мамлакатлар раҳбарлари, БМТ ва етакчи минтақавий ташкилотлар вакиллари томонидан мажлис кун тартибидagi масалалар атрофлича кўриб чиқилди.

Шуни катта мамнуният билан айтишим керакки, кун тартибидagi барча масалалар муҳокама этилиб, улар юзасидан мажлис иштирокчиларининг фикри эшитилди. Одатдагидек кун тартибига киритилган бу масалалар дастлаб ШХТга аъзо олти давлат раҳбарлари иштирокида кўриб чиқилгани сизларга яхши маълум. Бундан ташқари, айрим қўшимча масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилди. Биз регламент ва дастурда белгиланган муддатда барча масалаларни кўриб чиқдик, бирон-бир эътироз, тақлиф ёки қўшимчалар бўлмади.

Бу нимадан далолат беради? Ўттиздан ортиқ давлат, шунингдек, халқаро ва минтақавий ташкилотлар вакиллари, кўплаб журналистлар иштирок этган бундай катта саммитни ташкил этиш осон эмас. Чунки бу тадбирда ШХТга аъзо ва кузатувчи, шунингдек, тақлиф этилган давлатлардан ташқари, ҳамкорлигининг учинчи йўналиши — мулоқот бўйича шерик мамлакатлар вакиллари ҳам иштирок этди. Ҳар бир категорияга мансуб давлатнинг ўз мажбурияти, валоқати ва имкониятлари бор. Шу нуқтага назардан қара-

ганда, саммит ишидан ҳамма қаноатландими, деган саволга тўла ижобий жавоб бериш мумкин. Барча тайёргарлик ишлари ўз вақтида, сифатли ташкил этилгани натижасида саммит юксак савияда ўтди. Бу борада, аввало, ШХТ Котибиятининг ҳиссаси катта бўлди.

Биз ушбу саммитни кузда ўтказишни режалаштирган эдик. Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг 2015 йил июль ойида Уфа шаҳрида бўлиб ўтган мажлисида бизга, яъни раислик қилувчи мамлакат олдида навбатдаги саммитни 2016 йилнинг июнь ойида ташкил этиш вазифаси қўйилди.

Яна бир қийин хижолати — бу кун тартибига киритилган масалалар билан боғлиқ эди. Ташкилот таркибини кенгайтириш тўғрисидаги масала ШХТ доирасида илк бор муҳокама этилган мулоқот принциплар масалалардан бири бўлди.

Шуни тақдор айтмоқчиманки, бугунги мажлисда эртага дунёнинг барча оммавий ахборот воситалари диққат марказида бўладиган масалалар муҳокама этилиб, тегишли ҳужжатлар қабул қилинди. Аъзо давлатлар билан ҳамкорликда амалга оширилган изчил ишлар туфайли бу ҳужжатларни ўз вақтида тайёрлашга муваффақ бўлдик.

Кеча барча меҳмонларни Тошкентда қутиб олдик ва уларнинг асарияти пойтахтимиз марказидаги Амир Темур хиббони ёнидаги "Ўзбекистон" халқаро анжуманлар саройида бўлиб ўтган концертда иштирок этди. Бу концерт саммит иштирокчиларига қўтаринки кайфият бағишлади. Санъаткорларимиз бунинг учун астойдил ҳаракат қилди.

Ўзбекистонда кейинги йилларда кўплаб истеъдод соҳиблари етишиб чиқмоқда. Хушовоз ва маҳоратли артистларимизнинг чиқишлари нафақат мамлакатимиз аҳолиси, балки дунё санъат ихлосмандларига ҳам манзур бўлмоқда. Концертда ижро этилган миллий ва мумтоз кўшиқлар, бетак-



рор рақслар, опера намуналари ШХТ мажлиси катнашчилари ва меҳмонларига аъло кайфият бағишлади, десам, адашмайман. Биздан сўнг, яъни 2016-2017 йилларда ШХТга раислик қиладиган Қозғоғистон ҳам шундай концерт ташкил этади, деб ишонаман.

Албатта, сизларни бугунги мажлисда қандай ҳужжатлар имзолангани кўпроқ қизиқтириши табиий. Ушбу ҳужжатларнинг ҳаммаси билан эртага матбуот нашрлари орқали танишишингиз мумкин.

Энг муҳим ҳужжат — бу ШХТнинг Тошкент декларациясидир. Бу ҳужжатда ташкилотнинг шу пайтгача бўлган фаолияти яқунлари сарҳисоб қилинган ва истиқболдаги устувор йўналишлари белгиланган. Муҳим масалалардан яна бири — бу Ҳиндистон ва Покистоннинг ташкилотга тенг ҳуқуқли аъзо бўлиб қўшилиши тўғрисидаги масалалар. Шуни айтиш жоизки, Ҳиндистон ва Покистон ШХТда қабул қилинган барча асосий ҳужжатларга рияоз этиш бўйича мажбуриятларни ўз зиммасига олгани ҳақидаги ҳужжат имзоланди. Хўш, бу қандай ҳужжатлар?

Аввало, бу 15 йил олдин имзоланган Хартия, бошқача айтганда, ШХТ Низомидир. Шуни катта мамнуният билан айтишим керакки, ўтган йиллар давомида ШХТ Низомига бирор марта ҳам ўзгартириш киритилмади. Бу бизнинг, ташкилотга аъзо давлатларнинг Хартияда мустаҳкамланган принцип ва қоидалардан ҳеч қачон огишмаганимиздан далолат беради. Тўғри, ташкилот тақомиллашмоқда, Котибият масъуълари ўзгармоқда. Аммо Хартия ва унда баён қилинган принциплар ўзгаргани йўқ ва бу жуда муҳимдир.

ШХТга янги аъзоларни қабул қилиш тўғрисидаги масалани муҳо-

кама этишда қизгин баҳс-мунозаралар бўлди. Бугун ШХТ таркибиди олти аъзо ва олти кузатувчи бор. Иккита янги аъзони қабул қилиш катта аҳамиятга эга. Эътибор бериш, Ҳиндистонда 1 миллиарддан зиёд, Покистонда эса қарийб 200 миллион аҳоли яшайди. Ҳар икки мамлакат ҳам катта салоҳият ва имкониятга эга. Айниқса, Ҳиндистон бугун жадал ривожланиб, тобора қудратли давлатга айланиб бормоқда.

Агар сизларнинг орангизда Ҳиндистон оммавий ахборот воситалари вакиллари бўлса, уларни бугун ушбу мамлакат эришадиган бундай ютуқлар билан табрикламоқчиман. Покистонликларни ҳам шундай ютуқлар билан табриклайман.

Сизларга шуни яна бир бор эслатмоқчиманки, Ҳиндистон ва Покистон ядровий давлатлардир. Бу нимадан далолат беради? Ядровий давлатлар ҳисобланган Хитой ва Россия қаторига яна иккита ядровий мамлакат ШХТнинг аъзоси бўлиб қўшилиди. Тасаввур қилинг: бугун ШХТга дахлдор мамлакатларда дунёнинг қирқ саккиз фоиз аҳолиси истиқомат қилади. Тўртта ядровий давлат. Уларнинг иккитаси БМТ Хавфсизлик кенгашининг доимий аъзосидир. Яъни, гап бугунги кунда ШХТга бўлаётган юксак салоҳият ва обрў-эътибор ҳақида бормоқда.

Барчангиз яхши биласиз, ҳозирги вақтда кўпчилик БМТни сусткашлиқда, кўплаб масалалар унинг эътиборидан четда қолаётганида айболомқда. Шунга қарамастан, БМТ универсал ташкилот ҳисобланади ва ундан бошқа дунё миқёсидаги барча энг муҳим масалаларни ҳал этадиган тузилма йўқ.

Бугунги кунда дунёда вазият шиддат билан ўзгариб, ҳар қадамда эидат ва қарама-қаршиликлар кўзга ташланмоқда, бундай моҳаролар қамийиш ўрнига, афсуски, қуяйиш бормоқда. Журналистларнинг шунга эътибор беришларини сўрардим, бугун жаҳонда қандай тенденциялар пайдо бўлмоқда? Катта давлатларнинг дунёда рўй бераётган гоят муҳим масалаларга доир фикрлари аксарият ҳолларда бир-бирига мос келмайди. Баъзилар ядровий тўқнашувлар ҳақида хотиржамлик билан гапирмоқда. Сиз, ҳурматли журналистлар бундай масъ-

улиятсиз ёндашувлар қандай ачинарли оқибатларга олиб келишини яхши тушунасиз, деб ўйлайман.

Иккинчи жаҳон урушидан сўнг инсоният тарихида яна шундай урушга йўл қўйиш мумкинлиги ҳақида одамлар ҳатто ўйлашга ҳам қўрқар эди. Бу даҳшатли урушда ҳаммаси бўлиб 50 миллион, собиқ Иттифоқ ҳудудидан 27 миллион киши қурбон бўлди. Тасаввур қилингизми, 50 миллион киши! Тақдор айтаман, илгари бундай урушнинг қайтарилиши ҳақида ҳеч ким ўйламас, гапирмас эди. Бугун эса кўпгина сиёсатчилар, юқори лавозимда ўтирган раҳбарлар ва журналистлар ядровий уруш бўлиши ёки бўлмағиси ҳақида бемалол гапирмоқда. Учинчи жаҳон уруши бўлади, деган саволни бамайлихотир муҳокама қилмоқда.

Менинг фикримча, бутун дунё, инсоният тақдирини учун масъулиятни хис этмасдан айтилган бундай гапларнинг ўзи учун ҳам қандайдир жазо чораларини қўллаш ортқча бўлмас эди. Мен илгари, агар яна уруш бўладиган бўлса, бу жаҳон уруши ва албатта ядровий уруш бўлади, деб айтган эдим. Бир фараз қилинг, бундай урушдан сўнг Ер юзидида нима қолади? Нима учун бу аччиқ ҳақиқатни унутиб қўймоқдамиз ва уруш ҳақида хотиржам гапирмоқдамиз? Нима учун уруш бошлангани керак, қандай қўллар уни қўзғамоқда? Наҳотки инсоният хотираси шу қадар заифлашиб, тарих сабоқларини унутиб қўйган бўлса?

Бу фикрни айтишдан мақсад шуки, ШХТнинг асосий вазифаси — тинчлик ва хавфсизликни таъминлашдан иборат. Бизнинг вазифамиз битта — рўй бераётган қарама-қаршиликлар янги урушга айланиб кетишининг олдини олиш, тинчлик ва барқарорлиқни сақлашдир. Шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, кўпчилик бемалол айтаётган уруш Ер юзидида охириги уруш бўлади. Бунга йўл қўйишга мулоқот ҳаққимиз йўқ. Бу — Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг шioriдир.

ШХТнинг салоҳияти юксалиб боргани сайин бундай қарама-қаршиликларнинг олдини олиш учун имкониятларимиз кенгайиб боради. Мана, биз ўз олдимизга қандай вазифа ва мақсадларни қўймоқдамиз.

Ҳиндистон ва Покистоннинг Шан-

хай ҳамкорлик ташкилотига қўшилиши ҳақида гап борганда, хоҳ иншонинг, хоҳ ишонманг, саммитга бир ой вақт қолганида ҳам бу масалага оид асосий ҳужжат бўйича келиша олмаган эдик. Бошқача айтганда, бу жараён осон кечгани йўқ. Барча ҳужжатларнинг ўз вақтида тайёр бўлишига масъул киши сифатида шуни очик айтишим керакки, агар бу ҳужжатлар тайёр бўлмаганида ушбу масала кун тартибидан тушириб қолдирилган, саммит бугунгидек юксак аҳамият касб этмаган бўлар эди.

Ҳиндистон Республикаси ва Покистон Ислам Республикасининг ШХТга аъзо давлат мақомини олиш йўлидаги мажбуриятлари тўғрисидаги меморандумлар кеча координаторлар даражасида келишилётганида ҳам улар маъқуланиши ва бугун имзоланишига тўла ишонмаган эдик. Ҳиндистон раҳбари жаноб Нарендра Моди ва Покистон Президенти жаноб Мамнун Хусайн бир-бирига қўл берганини кўриб, мени ички бир қониқиш туйғуси қамраб олди. Покистон ва Ҳиндистон ўртасида қандай муносабатлар борлигини сиз, журналистларга айтиб ўтиришининг ҳолати йўқ, деб ўйлайман. Бу икки давлат ташкилотга бир пайтнинг ўзидида қўшилиётганида чукор маъно бор. Агар уларнинг биттаси учун қабул жараёнини бошлаб, иккинчисини кейинги қолдирадиган бўлсак, бугунгидек самара бўлмасди. Чунки бу Ҳиндистон ва Покистон ўртасидаги ихтилофни янада кескинлаштириб юбориши мумкин эди. Бундай вазиятдан моҳирлик билан фойдаланиб қоладиган қўллар борлигини ҳам унутмаслигимиз керак. Хуллас, кеча кечқурун ҳужжатлар юзасидан келишувга эришиб, бугун имзоладик. Бу жуда катта, тарихий аҳамиятга эга воқеадир.

ШХТга аъзо, кузатувчи сифатида қўшилиш истагини билдираётган мамлакатлар кўпчилигини ташкил этади. Сизларга маълумки, Эрондан, Афғонистондан ва бошқа кўплаб давлатлардан шундай мунохаатлар тушмоқда. Буларнинг барчаси, тақдор айтишига тўғри келади, Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг салоҳияти ва халқаро миқёсидаги нуфузи тобора ортиб бораётганидан далолат беради.

Эътиборингиз учун ташаккур.

КЕНГ ҚЎЛАМЛИ ИСЛОҲОТЛАР — ЗЛУ ЮРТИМИЗ ФАРОВОНЛИГИНИНГ АСОСИЙ ОМИЛИДИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов жойларда ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши, амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан яқиндан танишиш мақсадида 30 июнь куни Сурхондарё вилоятига ташриф буюрди.

Истиқлол йилларида мамлакатимизнинг бошқа вилоятларида бўлгани сингари Сурхон воҳасида ҳам улкан янгиланиш ва ўзгаришлар рўй берди. Шаҳар ва қишлоқлар қиёфаси тубдан ўзгариб, одамларнинг турмуш даражаси юксалиб бораётди. Бир пайтлар фақат қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштириш билан чекланган воҳада бугун саноатнинг бир неча тури изчил ривожланаётди. Замоनावий илгор технологиялар билан жиҳозланган корхоналар ишга туширилмоқда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик тараққий этмоқда.

Бундай улкан ўзгариш ва янгиланишларни вилоятда эришилаётган ютуқлар мисолида яққол кўриш мумкин. Жорий йилнинг биринчи чорагида вилоятда ялпи ҳудудий маҳсулот ўсиши 8,4 фоизни, саноат маҳсулоти ишлаб чиқариши 7,6, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштириш 7,4, қурилиш-пудрат ишлари 11,5 фоизни ташкил этди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлигининг изчил ривожланиши натижасида вилоят

ялпи ҳудудий маҳсулотиди кичик бизнеснинг улуши 57,4 фоизга етди. Хусусий секторда қўлай ишбилармонлик муҳити яратилгани, соҳага кўплаб имтиёз ва преференциялар берилаётгани кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлигининг изчил ривожланишини таъминламоқда. Шу йилнинг биринчи чорагида вилоятда беш юзга яқин кичик бизнес субъекти ташкил этилди. Тижорат банклари томонидан хусусий секторга 180 миллиард сўмга яқин кредит маблағлари ажратилди.

Мустақиллигимизнинг 25 йиллик байрамига 241 янги лойиҳани фойдаланишга топшириш мўлжалланган. Термиз туманидаги "Жануб қуёши" масъулияти чекланган жамиятида 4,2 миллиард сўмлик инвестициялар ҳисобига йилга 1,2 минг тонна сўт маҳсулотларини қайта ишлаш орқали қуруқ сўт, пишлоқ, бринза ва йогурт ишлаб чиқариш ўзлаштирилаётган бўлса, "Gold Dried Fruits" корхонасида уч миллион долларлик инвестициялар ҳисобига 30 минг

тонна мева-сабзавот маҳсулотларини қуриштиш ва замоनावий омборхона лойиҳаси ишга туширилди.

Ислам Каримов вилоятга сафарини Термиз шаҳрида миллий ва замоनावий меъморлик услублари асосида барпо этилган Хотира майдони билан танишишдан бошлади.

Президентимизнинг 2015 йил 22 майдаги "2015-2017 йилларда Сурхондарё вилоятининг йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида"ги қарори ижроси доирасида бунёд этилган майдонда ўтганларни хотирлаш, ёши улғу инсонларни эъзозлаб, ҳурмат баҳо келтириш учун барча шарт-шароит яратилган. Мазкур майдон икки гектарни эгаллаган. Бу ерда Мотамсаро она ҳайкали ўрнатилган. Турли манзарали дарахт ва анвойи гуллар билан бурканган майдонда замоनावий архитектура ва меъморлик анъаналарини муҳассам этган кенг айвон барпо этилиб, алюминийдан тайёрланган махсус китоблар ўрнатилган. Ушбу китобларга Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган сурхондарёликларнинг исм-фамилияси зарҳал харфлар билан ёзилган.

Давоми иккинчи саҳифада.

1991 йил 31 август — дунёнинг кўҳна харитасини тубдан ўзгартириб юборган кун! Муҳтарам Президентимиз ўзининг "Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура" асариди: "Дунёга келган чақалоқ аввал эмаклаб, кейин тетапоё бўлади. Вазият шундай келдики, Мустақил Ўзбекистон тузилган кунгиде оёққа туришга, ўзи юришга мажбур бўлди", деб ёзган эди. Ушанда тақдир ва таъминоти 74 йил мобайнида собиқ Иттифоқ қўлида бўлган Ўзбекистон олдида жиддий синов ва машаққатлар турган эди.

ВАТАНГА ПАЙВАСТАЛИК

Бугун тўрт томонимга қарайман, кўксимни тўлдириб нафас оламан. Боғи Эрам каби жаннатмакон юртимиз ўзининг азалий меҳмондўстлиги билан дунё эътиборида. Қадимий Буюк Ипак йўлининг замоनावий қарвонлари оҳиста-оҳиста ўз йўлида давом этади. Анъанага айланган "Шарқ тароналари" фестивали халқимиз қадимий маданияти, санъатини дунёга танитишда, унинг бетакрорлигини намойиш қилишда ўзига хос кўприк бўлди. 2011 йили Самарқандда ўтган "Шарқ тароналари"даги бир воқеа ҳаммамизда чексиз фахр ва ифтихор туйғуларини уйғотган эди. Меҳмонлар билан тўла Регистон майдонида италиялик машҳур санъаткор Албано ўзбек халқига, Ватанимизга ўзининг чукор муҳаббати ва эҳтироми-ни намойиш этгани ҳам гўзал ватанимизнинг гўзал эътирофи бўлди.

Мана, бугун Мустақиллик боғлари гулга кирди. Бироқ бу боғларга ниҳолларни ўтказиш, уларни соғуқ шамоллардан асраш осон кечгани йўқ. Чунончи, замоनावий шифохоналар, шошилиш тиббий марказлар, юксак ма-

Адиб ва жамият

лакали тиббий хизмат — буларнинг бари ўз-ўзидан пайдо бўлгани йўқ.

Шу ўринда болалигимни эслайман. Бир куни тунда онам қаттиқ бетоб бўлиб, ҳўшдан кетиб қолди. Унда мендан — тўққизинчи синф ўқувчисидан бошқа ҳеч ким йўқ эди. Керосин лампа липиллаб ёнади. Қаҳратон қиш. Шифохона узокда — Паркент тумани марказида. Ярим тунда амаллаб йўлга чиқдим. Кўча қоп-қоронғи, музда қалишим сирғанади. Мен марказга етиб бориб, эшикни тақиллатиб врачларни уйғотганимча анча вақт ўтди. Улар билан уйимизга етиб келганимда, онам қийналиб нафас олиб ётарди. Биринчи ёрдам кўрсатилган, онам кўзларини очди... Бу воқеа бир умр хотирамда муҳрланиб қолди. Ҳозир мустақиллик шарофати билан энг олдидидаги кишлоқларда ҳам замоनावий тиббиёт маъсасалари қурилиб ишга туширилгани, айниқса, она ва бола саломатлигини таъминлаш йўлида олиб борилаётган эзгу ишларни кўз олдимга келтирарканман, юқоридаги воқеа ўзимга ҳам эртдақдай туюлади.

Давоми учинчи саҳифада.

Бошланиши биринчи саҳифада.

КЕНГ КЎЛАМЛИ ИСЛОҲОТЛАР — ЭЛУ ЮРТИМИЗ ФАРОВОНЛИГИНИНГ АСОСИЙ ОМИЛИДИР

Давлатимиз раҳбари мазкур майдоннинг ҳалқимиз маънавиятини юксалтириш, ёш авлодни Ватанга муҳаббат, миллий қадрият ва аъёнларимизга ҳурмат руҳида тарбиялашдаги аҳамияти ҳақида тўхтади.

Бундай муқаддас масканларни қўлайтириш, асраб-авайлаш борасида амалга ошираётган ишларимиз аждодларимиз хотирасига чексиз эҳтиромнинг ёрқин ифодасидир, деди Исро Каримов. Бугунги тинч, осойишта ҳаётимиз йўлида жонини қурбон қилган ота-боболаримиз билан гурурланиш, уларнинг муборак номларини доимо ёдда тутиш барчамизнинг фарзандлик бурчимиздир.

Юртбошимиз ушбу майдонни янада обод, кўркам ва файзли қилиш учун маҳаллий иқлим шароитига мос ранг-баранг дарахтлар, анвойи гулларни кўпроқ экиш зарурлигини алоҳида қайд этди. Вилоятда лапа дарахтини қўлайтириш учун замонавий питомник ташкил этиш юзасидан тавсиялар берди. Бундай ноёб дарахтлар ҳавони тозалаш, мўътадил ҳароратни сақлашни алоҳида таъкидлади.

— Анвойи гуллар ва ранг-баранг дарахтларга бурканган бу майдонни ёшу кекса зиёрат қилмоқда, аждодларимиз руҳига эҳтиром кўрсатиладиган ва турли тадбирлар ўтказиладиган обод гўшага айланди, — дейди “Маҳалла” хайрия жамоат фонди вилоят бўлими раиси ўринбосари Орзикул Соатов. — Бугунги тинч, осойишта, фаровон ҳаётимизнинг қадрига етиш, шукрона келтириш, оилаларни мустаҳкамлаш, айнакча, ёш авлодни Ватанга муҳаббат, истиқлол гошларига садоқат руҳида тарбиялашда бу масканнинг тарбиявий аҳамияти гоят муҳимдир.

Президентимиз раҳнаомлигида ҳалқимизнинг муносиб турмуш кечириши, дам олиши, маданий ҳордик чиқаришига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Термиз шаҳрида бунёд этилаётган муҳташам санъат саройи ҳам бугунги ёрқин ифодасидир.

Қурилиш ишларини бугунги замон талабларига мос ҳолда олиб бориш керак. Бу жараёнда аввало лойиҳани пухта ишлаш, салоҳиятли нудратчи ташкилотларни танлаш, замонавий технологиялардан унумли фойдаланиш даркор. Энг муҳими, бундай салобатли ишшоотларга замонавий қурилиш материалларини ишлатиш, дизайнли мослигига алоҳида аҳамият қаратиш зарур. Биз қураётган бундай бинолардан наинки бугунги, балки келгуси авлодлар ҳам завқ олсин, асрлар давомида эслаб, ўзгача гурур билан яшасин, деди Исро Каримов.

Бугунги кунда вилоятда 12 мингдан ортиқ фермер хўжалиги фаолият юртимокда. Жорий йилда воҳа фермерла-

ри 98 минг гектар майдонда бошқоқли дон етиштириб, шартномавий режани ортиғи билан бажарди. Ҳозиргача гал-лакорлар ҳосилдорлиқни гектарига 54 центнерга етказди. Пахта майдонларида ҳам барча агротехник тадбирлар ушқоқлик билан олиб боришмоқда. Фермер хўжаликлари ва аҳоли томорқасида мўл-қўл мева-сабзавот, полиз маҳсулотлари етиштирилмоқда. Маҳаллий бозордан ортиқ қисми хорижа экспорт қилинмоқда. Шу йилнинг ўтган даврида вилоят соҳибдорлари 27,3 миллион долларлик мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилди.

Давлатимиз раҳбари Термиз туманидаги “Янгиариқ пахтакори” фермер хўжалиги даласида бўлиб, вилоят фалолари ва фермерлари билан суҳбатлашди.

Президентимиз учрашувда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари парваршида замонавий технологиялардан самарали фойдаланиш, истиқболли навларни экиб, ҳосилдорлиқни янада ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратди. Дунёда озиқ-овқат маҳсулотлари тақчиллиги кучайиб бораётган бир пайтда мавжуд экин майдонларида самарали фойдаланиш ва худуднинг экспорт салоҳиятини ошириш бўйича ўз тақлифларини билдирди.

Сурхондарё замини учун бу йил жуда омадли келди, деди Президентимиз. Бу омад вилоят фермер ва деҳқонларининг 670 минг тонналик улкан хирмон бунёд этиб, мамлакатимизда биринчи бўлиб галла топириш бўйича шартнома мажбуриятини бажаргани, турли соҳаларда улкан марраларни забт этаётгани, мустақиллигимизнинг 25 йиллик тўйига муносиб тўғфалар тайёрлаётганида яққол намоён бўлмоқда.

Мазкур фермер хўжалиги аъзолари 23,5 гектар майдонда галла экиб, мўл ҳосил тўплади. Тажрибали фермер Ибодулла Давлатов шартномавий режани ортиғи билан бажарди.

— Фермерлик ҳаракати обод ва фаровон ҳаётимизнинг бош омилига айланди, — дейди “Янгиариқ пахтакори” фермер хўжалиги раҳбари Ибодулла Давлатов. — Бунни ҳаётимиз тубдан ўзгартириб, фаровон турмуш кечираётганимиздан яққол ҳис этмоқдамиз. Уй-жой кураямиз, машина олаямиз, фарзандларимизнинг орзу-хавасини қураямиз. Бундай эътибордан руҳланиб, далага меҳр қўйиб меҳнат қилаймиз. Хар қарч ердан унумли фойдаланишга интилаёмиш. Масалан, галладан бўшаган майдонларни пешма-пеш шудгорлаб, такрорий экин экдик. Бу

йилги ерёнгоқ ва мошининг маълум қисмини хорижа экспорт қилиш учун шартнома туздик. Биз, сурхондарёлик деҳқонлар учун етиштирган озиқ-овқат маҳсулотларимизнинг бир қисмини Фарғона водийси аҳолисига арзон, қулай транспорт орқали етказиш муаммо бўлиб келган. Қуни кеча Ангрен — Поп электрлаштирилган темир йўли ишга туширилиши билан бу муаммо барҳам тоғди, биз учун янги имкониятлар яратилди. Бундай бетимсол, тарихий ишшоотлар қурилишининг ташаббускори ва раҳнамоси бўлган Президентимиздан чексиз миннатдоримиз.

Хўжалик далаларида бошқоқли дон ўрми-йиғими билан бирга гўзага ишлов бериш ҳам қизгин давом этмоқда. Гўза ниҳоллари икки марта озиклан-тирилиб, суғорилди. Барча дала юмушлари агротехник тадбирлар асосида олиб боришмоқда.

— Ўзбекистон Республикаси, яъни Сизнинг, муҳтарам Исро Абдуғаниевич, раислигинингизда ўтган Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг юбилей саммитини катта ҳаяжон ва ўзгача гурур билан кузатдик, — деди тажрибали фермер, Ўзбекистон Қаҳрамони Исохон Баҳромов. — Ушбу мажлисда ташкилотнинг нуфузини ошириш, Ҳиндистон ва Покистонни ШХТ аъзолигига қабул қилиш бўйича тарихий қарорнинг имзолангани Ўзбекистоннинг обрў-эътиборини янада юксалтирди. Саммит қунари Тошкент — тинчлик, дўстлик, ҳамкорлик шаҳри сифатида яна бир бор эътироф этилди. Бундан бутун мамлакатимиз халқи қатори Сурхондарё вилояти аҳолисининг ҳам қалби фахру ифтихор туйғуси билан тўлиб тоғди. Буларнинг барчаси мустақиллигимизнинг шарофатидан. Шу боис истиқлолимизни кўз қорачиқдек асраб-авайлашимиз керак.

Исро Каримов Термиз шаҳридаги Ҳаким ат-Термизий мажмуасини зиёрат қилди.

Президентимиз Ҳаким ат-Термизий мажмуасини таъмирлаш юзасидан тегишли тавсиялар берди. Бунда воҳанинг ўзига хос аъёнлари, замонавий меъморлик усулларидан фойдаланиш кераклигини қайд этди.

Кўннинг иккинчи ярмида Президентимиз Қашқадарё вилоятига таширф буорди.

Мустақиллик йилларида Қашқадарё вилоятининг иқтисодий салоҳияти мисли қўрилмаган даражада юксалди. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Шўртан газ-кимё мажмуаси, “Муборак-нефть” унитар шўба корхонаси, Деҳ-

қонобод калийли ўғитлар заводи, Талимаржон иссиқлик электр станцияси каби замонавий саноат корхоналари барпо этилди. “Ҳисорнефтьгаз”, “Қўқдумалоқгаз”, “Шўртангазмаҳсулот” каби йирик қўшма корхоналар ташкил қилинди.

Вилоятда ялпи худудий маҳсулот ҳажми изчил ошмоқда. 2015 йилда бу кўрсаткич 5,4 фоиз, жорий йилнинг биринчи чорағида 5,6 фоиз ўсди.

Президентимизнинг 2013 йил 2 августдаги “2013-2016 йилларда Қашқадарё вилоятининг саноат салоҳиятини ривожлантириш дастури тўғрисида”ги қарори вилоят ривожини янги босқичга кўтарди. Мазкур қарор билан тасдиқланган дастурга асосан 598 лойиҳа амалга оширилиб, янги корхоналар ташкил этилди, 11 мингдан ортиқ янги иш ўрни яратилди.

Мамлакатимизнинг барча худудларида бўлгани каби Қашқадарё вилоятида ҳам улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилмоқда. Қарши ва Шаҳрисабз шаҳарларининг 2700 йиллиги муносабати билан вилоят янада гўзал ва обод масканга айланди. Бу борадаги ишлар изчил давом эттирилмоқда. Шаҳар ва қишлоқлар қиёфаси тубдан ўзгариб, аҳоли ҳаёт даражаси юксалиб бормоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 25 июлдаги “Қарши шаҳрини келажакда қайта қуриш режаси ва замонавий йўл-транспорт коммуникацияларини ривожлантириш дастури тўғрисида”ги қарори асосида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Қарши шаҳрининг худуди 9 минг гектардан 17 минг гектарга кенгайтирилди. Янги йўл ва кўприклар, кўп қаватли уй-жойлар, боғ ва хиёбонлар, хизмат кўрсатиш объектилари бунёд этилди. Ўзбекистон, Мустақиллик, Амир Темур, Алишер Навоий, Насаф, Хонобод кўчалари кенгайтирилиб, атрофи ободонлаштирилди.

Йўл-транспорт инфратузилмасини яхшилаш мақсадида 56 километрлик ҳалқа йўли қурилмоқда. Унинг темир йўл ва дарёлар билан кесилишадиган жойларига 6 замонавий йўл ўтказгич ва кўприклар бунёд этилмоқда. Бу шаҳар ҳавоси мусофоллигини ва ҳаркат хавфсизлигини таъминлайди.

Президентимиз капитал таъмирлаш, замонавий қиёфа касб этган Қарши темир йўл вокзалига таширф буорди.

Давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 5 январдаги қарорига асосан амалга оширилган “Мароканд-Қарши темир йўл участкасини электрлаштириш”

лойиҳаси мамлакатимизда транспорт инфратузилмасини ривожлантиришга қаратилган алоҳида эътиборнинг яна бир ёрқин намунасидир. Қарорга мувофиқ қарийб 141 километрлик Мароканд-Қарши участкаси тўлиқ электрлаштирилди. Поездлар ҳаракатини бошқарадиган замонавий тизим йўлга қўйилди.

Мамлакатимиз мустақиллигининг 24 йиллиги арафасида — 2015 йил 22 август кўни юқори тезликда ҳаракатланувчи “Афросиёб” электропоезди Қарши шаҳрига илк қатновини амалга оширди.

Президентимиз вокзал биносини кўздан кечирар экан, уни янада кўркамлаштириш, бино пештоқини Қашқадарё тарихига оид нақшлар билан безатиш, йўловчиларга замонавий қўлайлик яратиш бўйича кўрсатмалар берди.

Юртбошимиз “Насаф” марказий стадионини бориб кўрди.

16 минг томошабинга мўлжалланган ушбу стадион халқаро талабларга жавоб беради. Бу ерда мамлакат ва халқаро миқёсдаги мусобақалар ўтказилиши мумкин.

Исро Каримов стадионни реконструкция қилиш, спортчилар ва томошабинлар учун қўлайликларни янада ошириш, хавфсизлик чораларини кучайтириш бўйича зарур тавсиялар берди.

Президентимиз Қарши шаҳрининг Мустақиллик ва Ўзбекистон кўчалари чорраҳасида бунёд этилган курантни кўздан кечирди.

Қарийб 30 метрлик курант оқ мармар билан қопланган, миллий колорит билан безатилган. Аҳоли ва транспорт воситаларининг ҳаракатланиши учун қўлайлик ва хавфсизлик яратиш мақсадида улкан қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилган.

Мамлакатимиздаги аксарият шаҳарлар қадимий, айни вақтда замонавийдир. Хар бир шаҳарнинг ўзига хос жиҳатлари бор. Шундан келиб чиқиб, хар бир шаҳарда бошқа жойда учрамайдиган, алоҳида аҳралиб турадиган майдонлар бўлиши керак. Бундай курант ва унинг атрофидаги майдон Қарши шаҳрининг ўзига хослигини ифодаляди, деди Исро Каримов. Йўл ва ишшоотларни лойиҳалаштириш ва қуришда шаҳарнинг келгуси тараққиётини инобатга олиш зарур.

Давлатимиз раҳбари Мустақиллик кўчаси бўйидаги хиёбонга таширф буорди.

Шаҳар аҳолиси ва меҳмонларининг дам олиш учун имконият яратиш, майдонда мўътадил иқлимни таъминлаш

мақсадида бу ерда улкан фавворалар бунёд этилди. Турли шакл ва катталиқдаги фавворалар шаҳарга салқинлик бағишляйди, тунда ранг-баранг чирқолар ёғдусида жилоланади. Мутасаддиларнинг маълум қилишича, Қарши шаҳрида 50 та фаввора қурилиши режалаштирилган, бугунги кунда уларнинг 28 таси ишлаб турибди.

Президентимиз шаҳар қиёфасини янада яхшилаш, аҳолининг дам олиши учун яратилган қўлайликларни тобора ошириш, худудни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш бўйича зарур тавсиялар берди.

Исро Каримов ўтган йили Қашқадарёга таширфи чоғида Амир Темур тарихий кўпригини таъмирлаш, дарё атрофини дам олиш масканига айлантириш бўйича зарур тавсиялар берган.

Ўтган вақт давомида бу ерда улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Амир Темур кўприги замонавий талаблар асосида реконструкция қилинди. Қашқадарё дарёсида учта тўғон қурилди. 51 катаран, 2 туристик катер келтирилди. Қирғоқ бўйидаги эски бинолар ўрнида гўзал хиёбон бунёд этилди. Болалар учун замонавий аттракционлар ўрнатилди. 14 коттеж, 4 кафе-бар, болалар майдончалари, 4 сунъий қопламали спорт майдончаси барпо этилди. 24 гектар майдон кўкаламзорлаштирилиб, 4 мингдан ортиқ манзарали дарахт ва буталар экилди.

Президентимиз ушбу кўприк ва хиёбон билан танишди.

Собиқ тузум даврида Қашқадарё вилояти қолоқ худудлардан эди. Одамлар хар томонлама эзилган, ҳаётдан норози бўлиб яшарди. Ўша пайтда вилоят раҳбари сифатида уларнинг дардини кўп эшитганман,

“қачон бу замон ўзгаради, қачон кўксимизга шамол тегади”, деб қунонганларни кўп кўрганман. Мана, ўша орзу қилинган кунлар келди. Мустақиллик шарофати, халқимизнинг фидокорона меҳнати туфайли мамлакатимиз хар томонлама обод бўлиб бормоқда, одамлар ҳаётдан рози бўлиб яшамоқда. Бугунги замонавий шароитлар биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, ҳеч кимдан кам бўлмаймиз деган эзгу мақсадимизнинг амалий ифодасидир, деди Юртбошимиз.

Давлатимиз раҳбари қурилиш ва ободонлаштириш ишларини изчил давом эттириш, шаҳар қиёфасини янада яхшилаш, аҳолининг дам олиши учун бунданга кўпроқ қўлайликлар яратиш бўйича зарур тавсиялар берди.

Президентимизнинг Қашқадарё вилоятига сафари давом этмоқда.

Матназар ЭЛМУРОДОВ,
Холмўмин МАМАТРАЙМОВ,
Анвар СААДОВ,
Ўлмас БАРОТОВ,
ЎЗА махсус мухбирлари

ЭЗГУЛИКНИ ҚУЁШ ЭТИБ

Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Тошкент саммити мазкур халқаро нуфузли ташкилот фаолият бошлаганининг ёмби санаси — ўн беш йиллигига бағишланган йирик оламшумул анжуман ҳали иш бошлар-бошламас бутун оламнинг нигоҳи, диққат-эътибори Тошкентга қаратилди.

Кимлар ҳавас билан, кимлар ҳайрат ва ҳаяжон билан, олам аҳли эса одамзотга хос азалий илмлик ва умидворлик билан пойтахтимизга, катта ва кичик давлатларнинг узокки кўра биладиган, оқил ва дошинамд раҳбарларини бир мақсад ва гоё йўлида жамулалик қилиб, бир тану бир жон этган, ҳақиқатан ҳам оламшумул эътибор ва аҳамият касб этган улғувор саммитга кўз тикди. Кўз тикдигина эмас, олам аҳли бутун вуҷуди кўз ва қулоққа айланиб, ўз умидлари, орзу-армонлари, уйдаги тинчлигига болаларининг бахту саодатини, дунёнинг алғов-далғовлигига келажак тақдирини яна бир қарра юрак-юрағидан ўтказиб, ўз мақсад-муд-даосию тириклик йўналишларини қайта сарҳисоб қилгандай бўлди.

Дунёдаги таҳлиқани қамайтириш, тинчлик ва барқарорлик, раванш ва фаровонликка эришиш, одамзот бахт ва эзгулик учун дунёга келганми, демак, унга шундай шарт-шароит яратиб бериш, аҳиллик, тотувлик, дўстлик ва эл-юрт равнақи, ҳам-жиҳатлик ва, албатта, барча минтақаларда, аввало, энг муҳими тинчлик-омонликка эришиш, кўркам ва тўқин-сочин ҳаётни барпо этиш...

Қисқача санаб ўтганда — шундай. Саммит кунлари кўркам Тошкент кўчаларини безаб, кўнгулларга сурур ва ҳаяжон бағишлаган байроқларнинг хилма-хиллигига хилпирашлари, ранг ва жиллоларидан ҳаётнинг ҳам, оламнинг ҳам юзларига ранг югуриб, яшариб-яшагандай бўлди.

Ташкилотнинг ўтган давр фаолияти ҳақида гапирар экан, Ўзбекистон Президенти Исро Каримовнинг мукаммал баҳоси ҳам саммит руҳи ва маҳобатига хос бўлди: “Шанхай ҳамкорлик ташкилоти ташкил этилгандан буён ўтган 15 йил давомида ҳақли равишда нуфузли халқаро ташкилотлар қаторидан муносиб жой олди, барқарор тараққиёт, тинчликни мустаҳкамлаш, замонавий таҳдид ва хатарларга қарши курашиш, минтақавий ва глобал даражада хавфсизлик ва барқарорлиқни таъминлашнинг таъсирчан омилига айланди”.

Бу “таъсирчан омили”ни биз анжуманнинг самимий ва самарали музокаралар, учрашув ва мулоқотларга бой бўлган қизғин кунларида олам ва

олам аҳли авзойидаги яхлит умидворлик ва ишончдан сезиб, ҳис қилиб турдик. Ҳатто Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпиннинг Бухоро сарфаридан кейин, болаларга хос бегуборлик билан Президентимизга айтган “Бухорини қўриб мен орзуимга эришдим” деган самимий изохори ҳам саммитнинг умумий кўтаринки руҳига бир дилбандлик, яқинлик ва иноқлининг нузли ришласи бўлиб қўшилганини илғамаслик мумкин эмасди.

Дўстлик ва ҳамкорлик тараннумини ўзида жаммасан этган, ШХТга аъзо давлатларнинг тилларига янграган қўшиқлар, жажон мусикаси, ўзбек миллий рақс ва қўшиқларидан иборат концерт кечаси ҳам муҳташам ва тизиз анжумандан олдин давлат раҳбарларига илиқ, рубобий хўш кайфият бағишлаганини умарнинг юз-кўзларидан кўриш мумкин эди. Қўшиқда янграган “Биз тиниқ осмонимиз бир-биримизга” сатри эса рамзий маъносини билан ҳам гоёт жозибали жанранглади.

Шу фараҳбахш ва умумбашарий аҳамиятга молик кўнларда улғувор ва тарихий воқеа — Ангрен — Поп электрлаштирилган темир йўлининг очилиши ҳам давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда “тарихимизда илгары ҳеч қўрилмаган шундай силсизиз ютуқ”, шак-шубҳасиз, Истиклолимиз солномасининг энг ёрқин ва порлоқ саналаридан бўлиб қолажак.

Хорижлик сиёсатдорлар “Тошкент Осийнинг сиёсий пойтахти бўлиб қолмоқда” дея жўяли баҳо берган анжуман давомида Ҳиндистон Республикаси ва Покистон Исро Республикасининг ШХТга аъзо давлат макомини олиш йўлидаги мажбуриятлари тўғрисидаги меморандумлар имзолангани Тошкент саммитининг муҳим воқеаларидан бўлди.

Дунё эса... Алишер Навоий бобомиз “Олам аҳли, бирингизким, иш эмас душманлиг, Ёр улунг бир-бирингизгаким, эрур ёрлиг иш” деганларидай, олам билан олам аҳли Тошкент саммити тимсолида ўзининг яна бир умид ва ишончига муяссар бўлгани ҳаммамизнинг кўнглимизга ҳам умид ва ишонч бағишлады.

Давлатимиз раҳбарининг Хитой Халқ Респуб-

ликаси Раиси билан биргаликда Олий Мажлис Қонунчилик палатасида бўлган учрашувда сўзлаган нутқидан муҳим бир иқтибосини келтириб ўтишни истар эдик: “Шу ўринда бир фикрни алоҳида таъкидлаб айтишқимман: бу залда Ўзбекистонга ким амалда дўсту ким оғизда дўст эканини яхши билидиган одамлар ўтирибди. Бу ҳақда гапиршнингнинг боиси шундаки, бизнинг бундай ўсиш суръатларимизга қандайдир гайрилик билан қарайдиганлар ҳам, афсуски, йўқ эмас. Биз фақат бир нарсани, яъни бутун инсоният каби, дунёнинг энг илгор ва ривожланган давлатлари каби муносиб ҳаёт кечиришни истаймиз”.

Худди шу учрашувда Хитой Халқ Республикаси Раиси муҳтарам Си Цзиньпин “Ўзбек халқининг буюк шоири Алишер Навоий ўз шеърида айтгандек, “Мен халқим бахтли ва фаровон яшашини истайман”, дея улуг бобокалонимиздан ҳикматли иқтибос келтиришида, шу мўъжиз мисолгинада ҳам минтақалар аро, халқлар, қалблар, диллар аро мустаҳкам ва емирилмас муштараклик кўприклари мавжудлигини қўриш мумкин.

Ушбу устувор робиталарни саммит аяқланиши арафасида, Ўзбекистон Президентининг Россия Федерациясидан Президенти билан биргаликда улуг шоир даҳосига эҳтиром бажо айлал, атоқли рус шоири Александр Сергеевич Пушкин хайкали пойига гул қўйиш лаҳзаларидан, бу лаҳзалардаги кўтаринки кайфият, миннатдорлик, ишонч ва ҳаяжонларда ҳам қўриб, дил-дилдан ҳис қилиш қийин эмас эди.

Саммит аяқланиб, она Ўзбекистонимиз бунёдкор халқимиз билан ўз Истиклоли тарихидаги муҳташам сана — Мустақиллигимизнинг йигирма беш йиллигини муносиб қутиб олишдек шарофли ва гурурбахш тўйга катта умид ва ишонч билан ҳозирлик қўрмоқда. Инсонларни, дунё ахлини умид-ишонч ҳеч қачон тарк этмасин деймиз. “Умидим буки, умидимингга етдил”, дея Навоий бобомиз ҳам бекор умид билдирмаганлар. Йўлларингиз, дилларингиз нузли бўлсин, она диёримиз бундан ҳам юксакроқ шаъну шарафларга чулгансин, азиз ватандошлар!

Бу дунёда аҳилликдан зўр давлат йўқ, Аҳли бўлаж, бийрон сўйлар тилларимиз. Дўстлик билан обод эрур олам уйи, Тинчлик билан яшанадигар элларимиз. Қўллар дунё бўзгай келиб бу дунёга, Дунё тузиб ўтгай бизнинг йилларимиз. Эзгуликни қуёш этиб олам аро, Асрларга кўприк бўлгай дилларимиз.

Тахририят.

ТАРИХ — УЛУҒ МУАЛЛИМ

“Агар сендан кимлигингни сўрашса, барча маълумотларинг ёзилган паспортингни кўрсатишинг мумкин. Агар халқдан кимлигини сўрашса, у шундай ҳужжат ўрнига ўзининг олимини, шоирини, бастакорини, аксией арбобини, саркардасини кўрсатади”, деган эди машҳур адиблардан бири.

Халқимиз кимлигини исботлаб, кўнгилларни қуёш мисол ёритиб турган буюк сиймолар, алломоу уламоларимиз кўп. “Саркарданг ким?” дейишса, Амир Темур бобомиз ва у улуг зот қурдирган муҳташам обидаларни кўрсатамиз. Мабодо, “Шоиринг ким?” дейишса, ҳазрат Алишер Навоий, Заҳриддин Муҳаммад Бобур сингари улуг боболаримиз ва улар қолдирган бой маънавий меросни тилга оламиз. Исро оламида ўчмас из қолдирган Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий каби муҳаддисларимиз мероси билан хар қанча мактафсан арзийди.

Буюк аждодларнинг қўтулғу номлари билан фахрланамиз. Кўксимиз гурур ва ифтихорга тўлиб

биз кимларнинг, қандай улуг зотларнинг набиралари эканлигини, заманимизда яшаб ўтган алломаларимиз, мутафаккир боболаримизнинг ибратли ҳаёти ва фаолияти, бемисл илмий-ижодий кашфиётлари бугун ҳам жажон ахлини ҳайратга солаётганини гурур билан айтга оламиз.

Бунга 2014 йили Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган “Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидидаги роли ва аҳамияти” мавзусидаги халқаро конференция ҳам мисол бўла олади.

Яқин ўтмишда халқимиз юрағидидаги миллий онг, миллий гурур ва ифтихор туйғусини йўқотиш, миллатимизни қарамликда сақлаш мақсадида улуг ва ардоқли аждодларимизнинг номлари тарих саҳифаларидан ўчирилган, бебаҳо маданий-маънавий мероси эса

Муҳаммад АЛИ,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси

Мусаффо осмоним

Ёруғлик Шарқандир

(Самолётда ёзилган шеър)

Амриқо осмони тун ичида гарк,
Мағрибдан Машриққа учиб бораман.
Хов, ана, ниматтир бўзармоқда Шарқ,
Қутлуг тонг яловин аён кўраман.
Бари ҳикмат, дўстим, расул барҳақдан,
Ёруғлик Шарқандир, ёруғлик Шарқдан!

Доно табиатда ажиб ҳикмат бор:
Ҳеч қачон Ғарбдан тонг отмайди, асло!
Шарқни ҳўб сийладинг, эй Парвардигор,
Унга йўл бошлашни айладинг ато!
Ўйласанг, дил ёнар жаҳоний шавқдан,
Ёруғлик Шарқандир, ёруғлик Шарқдан!

Будутлар чекиниб нурга йўл очар,
Сомон йўлини тутмиш юддузлар чанги.
Олисда Ватаним машғалдай порлар,
Аллақачон отган Истиқлол тонги!
Қалб потрар мисли йўқ гурур ва завқдан,
Ёруғлик Шарқандир, ёруғлик Шарқдан!

Буюк Ал-Хоразмий шуури олмос,
Фарғоний нигоҳи ёрар зулматни.
Беруний идрок ҳеч қачон сўлмас,
Ибн Сино бергай элга мададди!
Миннатдорман доно шу улуг Халқдан,
Ёруғлик Шарқандир, ёруғлик Шарқдан!

Бек шахрим Самарқанд — пойтахти жаҳон!
Соҳибқирон меҳри меҳрига пайваст.
То хануз янграйди замин у замон:
"Самарқанд сайқали рўйи замин аст!"
Овозлар таралар шамсу шафақдан:
"Ёруғлик Шарқандир, ёруғлик Шарқдан!"

Илҳом деб, дунёдан танҳо ўтган зот,
Чақиндай чақнаган жаҳоншумул шеър,
Ўзбекка бахш этди мангулик ҳаёт,
Барқдек нур улашди улуг Алишер!
Асрлар ёришар лаҳзалик барқдан,
Ёруғлик Шарқандир, ёруғлик Шарқдан!

Озодлик кўёши бош узра ёнар,
Аён қулиб боқар ёрқин келажақ.
Кўчамда қийқириб болалар ўйнар:
"Бизнинг кўчада ҳам байрам бўлажақ!"
Мусаффо осмоним, икболим Ҳақдан,
Ёруғлик Шарқандир, ёруғлик Шарқдан!

КЎЗ ВАСФИДА...

Кўз айтадур, айтганлари меҳрли,
Ғайбдан келган садо каби сеҳрли.

Кўз кўради туйғуларнинг қатини,
Изҳор айлар кўнгил муҳаббатини.

Кўз ёнади, ёниб турган замони,
Нурга чулгар буткул еру самони.

Кўз эркалар, суйганини ким билар,
Ўз жойида туриб ёрга интилар.

Бўса олар, бошқачадир бўсаси,
Сўйлай десанг, ширин эрур қиссаси.

Кўз учади... ҳеч ким ундай учолмас,
Кўз кучади, ҳеч ким ундай кучолмас...

Нафрат қилса, сенга олам бўлур тор,
Шундан ўзи асрасин Парвардигор!

Кўз — туби йўқ, сарҳади йўқ бир уммон,
Боқсанг, унда гарк бўлмоғинг бегумон.



Салом берар, келинчақдай мулоим,
Дейсан, шу кўз чақнаб юрсин, илойим.

Эй кўзи шўх, ким не десин-демасин,
Кўзингизга кўз тегмасин, тегмасин!

ФАРД

Жамолнинг, ажабки, бир жаннатроғи,
Мисоли юргандек жаннат аро ой...

Япроқдан ипак чиқар,
Чечакдан чиқайди бол.
Демак, у япроқ эмас,
Чечак эмас, эҳтимол...

Уругда яшар ўрмон,
Ҳавас ҳам эмас ҳавас.
Ой ҳам — оймас, кун ҳам кун,
Сен билган мен, мен эмас...

ИККИ БЎЙДОҚ СУҲБАТИ

— Тўйинг бўлар эмиш яқин-ўртада...
Кувондим, топибсан хурлиқо бир қиз.
— Топгандим... Э, бари жоним ўртада,
Онамга ёқмади ўша қиз, эсиз.

— Тез қидир, онанга ўхшаганин топ,
Суомли, дилтортар бўлсин ўша қиз!
— Худди шундоғини топгандим ҳисоб...
Отамга ёқмади ўша қиз, эсиз...

— Сира ҳам кўнглингни чўқтирма, жўра...
— Йўқ, тондим! Учради қизмисан бир қиз!
Ҳаммага ёқди-ю... омадани қара:
Энди... мен ёқмадим ул қизга, эсиз...

Энди, бас, тугади. Тугади энди,
Оламга дарз кетди, кўнгил ҳам синди.
Бир қалбни пок туйғу тарк этди тамом!
Бир қалбда жам бўлди бари нитиқом!

“Бир умр севаман!” — деган аҳд-паймон,
Чорасиз, ўртада боқайди ҳайрон.
Ўртада... на сенга бора олади,
На менга дилини ёра олади...

ДЎСТИМГА

Дўстим, эслайсанми болалик чоғлар,
Билтанг-билтанг қилган ёлғиз оёқ йўл.
Подалар чангига қўйилмиш боғлар,
Чучмома, лолалар ўсмайдиган чўл...

Олислар қуйилар кўзимизга жим,
Чаманлар кўрамыз уфқлар ортда.
Бола қалбларимиз тепар бетиним,
Қишлоқмас, Ватану жаҳон дардида...

Норасида севги завқидан мағрур,
Шодмон тикиламиз бир-биримизга.
Толе ватда айлар бизга бахт-сурур,
Осмон торлик қилар дил сиримизга.

Барчасин кашф этиб юрар эдик маст,
Куч-қудрат жам кўнгил зарбларимизда.
Чучмома, лолалар чўлларда эмас,
Япроқ ёзар эди қалбларимизда...

ҲАЁТ ТИФИЗ...

Ҳаёт тифиз...
Янашга вақт йўқ,
Ҳаёлимда нури фикрлар.
Қўлинг тутар лек узук-юлук,
Нотинч дунё, икир-чикирлар...

Ҳаёлингда йўқ нарс бирдан
Рўбарўндан чиқиб қолгуси.
Фикр-ўйинг тикилинч, тирбанд,
Неча кунлаб вақтинг олгуси.

Касал қўриш... турфа хил ишлар...
Оқибатни атайли олиб тан:
Орттиради баъзан ташвишлар
Ўқишдаги талаба жиян.

Мусофирлик кўрмай, чинакам
Ҳеч мусулмон бўлмасин билиб,
Ёт ўлкадан қайтмоқда укам,
Азоб тортиб, “мусулмон” бўлиб.

Қачонлардир четга йўл олган,
“Ватан, Ватан!” дея соғиниб
Шифтга осиб қўйган бир халта
Тупроққа кўз тикар оғриниб...

Ҳаёт тифиз...
Дер: “Қилгил ҳавас,
Шу Ватанинг қадрига етти!
Бир томчи қон, бир лаҳза нафас
Аямгил, жон фидо этти!”

Гуркирайди ўзгача ҳаёт,
Гулларда ҳам ўзгача бир ранг.
Бораётир баркамол авлод,
Ортада қолмай қадам ташласанг!

Ўзинг билан, бошқаларни ҳам
“Ватан!” дея олға бошласанг!
Десанг: “Ватан!
Онажон!

Онам!..”
Ёниб,
ёниб,
ёниб яшасанг!

ВАТАНГА ПАЙВАСТАЛИК

Бошланиши биринчи саҳифада.

Мен бўш вақтларимда набира-ларимни пойтахтимизнинг муҳташам майдонларига, музейларига олиб бораман. Уларга Мустақиллик йилларида барпо этилган тарихий иншоотларни кўрсатаман, шулар ҳақида гапириб бераман. Бир гал набирам Мотамсаро она ҳайкали олдида тўхтаб, болаларга хос соддалик билан: “Бувижон, бу Она биздан хафами?” деб сўради. Беш-олти ёшли набирамнинг саволи мени шошириб қўйди. “Йўқ, болажоним, — дедим, — Бу Онажон урушга кетган ўғлини кутаётир”. Набирам бошқа савол бермади, бироқ мен ўйга толдим: эҳтимол, у улғайиб

воёга етгач, тарихимиз саҳифаларини варақлаб саволларига ўзи жавоб топар... Истиқлол даврида кишлоқлар қиёфаси тубдан ўзгарди. Болалигимдаги тупроқ кўчалар, деворлари тўқилай деб турган кулбалар ўтмишда қолиб кетди. Президентимиз ташаббуси билан кишлоқларда намунавий лойиҳада қурилган уй-жойлар, бу уйларга қўчиб қираётган юртдошларимизга берилётган имтиёзлар чинакам инсонпарварлик намунаси дидир. Паркентга борганимда қад ростилаган ана шундай уйларни кўриб қувондим. Янги уйнинг калитини қўлга олган, уйга энди қўчиб кирган юртдошларим севинчининг чеки йўқ эди.

Қонунларимизда белгилан қўйилганидек, инсоннинг энг муқаддас ҳуқуқларидан бири тинч яшаш ҳуқуқидир.

Мустақилликнинг илк кунларида қўзғолган тинчликни ўзининг шиориға айлантирди. Ер шарининг турли минтақаларидаги нотинчликлар жаҳон афкор оммасини ташвиш ва таҳликага солиб турган бир пайтда, Ўзбекистон дунёнинг энг тинч давлатларидан бири сифатида эътироф этилган ҳаммамиз учун беҳад қувонарлидир.

Истиқлолнинг илк йилига Алишер Навоий йили, дея ном берилгани, Миллий богда улуг шoirга ёдгорлик ўрнатилгани, унинг даҳосига бўлган буюк эҳтиром янги давлат сиёсатининг ёрқин ифодаси эди. Маънавият сарчашмаларининг бошида турган даҳолар

шахсига бундай эъзоз-эътибор халқимиз маънавиятини янада юксалтириш йўлидаги муҳим қадамлардан бири бўлди.

Мустақиллик йилларида миллий қадриятларимиз ўзимизга қайтди, тикланди. Шаҳидлар хотираси мангу барҳаёт эканлиги ўз тасдиғини топди. 2000 йилнинг 12 майида “Шаҳидлар хотираси” ёдгорлик мажмуи очилишида иштирок этиб, муҳтарам Президентимизнинг маърузасини тинглашга мўъжасар бўлганман. Юртбошимиз ушбу маърузасида: “Барчамизнинг тақдиримизга дахлдор бўлган тарихий адолатни тиклаш, халқимиз ва миллатимизнинг яқин ўтмишдаги ҳали-хануз сир бўлиб келаётган ёпиқ саҳифаларини тўла очиб бериш, шу тарихдан сабоқ чиқариб, буғунги ва келажақ ҳаётимизга онгли қарашни шакллантиришда мана шу ёдгорлик ва амалга ошираётган эзгу ишларимизнинг алоҳида ўрин тутиши шубҳасиз”, дея таъкидлаган эди.

Йигирма беш йил... Чақоқлигимиз

ноқ оёққа турган Мустақил Ўзбекистон бугун тенглар ичра тенг бўлиб, дунё мамлакатларининг олдинги сафларида бормоқда. Фарзандларимиз бир неча хорижий тилларни эгаллаб, дунёга чиқмоқдалар. Ҳар йили истеъдодли ёшларнинг “Биринчи китобим” руқни остида йигирма минг нусада асарлари чоп этилиб, мактаб, лицей, коллежларга тарқатилаётир. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида яқинда бўлиб ўтган “Биз истиқлол фарзандларимиз” ёшлар баёзининг тақдиротида баҳор гулларидай ифорили, умидли ёшларни кўриб, қўқсимиз фаҳрга тўлди. Ўзбекистоннинг келажаги бўлган ёшлар она Ватанига мўносиб фарзанд бўлмоқликка шайдирлар.

Қуёш нурларига чўмилиб, гулга кирган Истиқлолнинг йигирма бешинчи баҳори! Биз сенда ўзимизни топдик, ўзимизни англадик, жону танимиз билан Ватанга яна пайваста бўлдик. Сендан бир дам ҳам айро тушмайлик, она Ўзбекистон. Бағрингдаги баҳор абадий бўлсин!

Шари́фа САЛИМОВА,
Ўзбекистонда хизмат
кўрсатган маданият ходими,
шоира

Севара фойеда туриб, бундоқ қараса одамлар орасида эрини бир аёл билагидан тутганича концерт залидан чиқиб келяпти. Тагин жилмайиб, Севарага қарагани етмаганидай, унинг эри томон оғиб-оғиб кўяди.

Эри эса нотаниш аёлга дам-бадам ишшайганча боқаяпти. Севара хўжайинини нима жин урдик, дарров бегона хотин билан қўлтиклашиб олипти, деб ўйлади ичи ёниб.

У оёқлари титраб, нотаниш аёлдан беҳос кўзларини олди ва ортидаги диванга чўкмоқчийди, улар липиллаганча рўпарасига келиб қолишди. Шу пайт боғи аёл негадир оғирлигини бир оёғидан бошқасига ташлаб ширали овозда:

— Мени кечиринг, овсин, — деди дарров Фарҳоднинг билагидан қўлини тортиб оларкан. — Шунақа бўп қолди, чиқаётиб... — Кейин шошиб: — Келинг, танишайлик. Мен — Нафисаман, — деди.

Севара думалоқ юз, нозик қомат, сарғимтир қуюқ сочлари турмакланган бу ёқимли аёлга қараганича қотиб қолди. Сўнг:

— Нафиса, қайси? — сўради сезилар-сезилмас титроқли овозда унинг «Шунақа бўп қолди, чиқаётиб...» деганига эътибор бермай.

Шу тобда бегона аёл дурдек оппоқ тишларини ярқиратганича жилмайди:

— Ўша-да! Қўшиқчи. Нима, эшитмаганмидингиз, телевизорда чиқаман-ку.

Севара жонланиб:

— Балки эшитгандирман, эсимдан чиққандир, — деди. Энди унда боғи рашк ўти сўниб, чехрасида уялиши ё андиша аломатлари пайдо бўлди.

Нафиса шу жавобни кутгандек:

— Эрингиз яхши кўраркан қўшиғимни, — деди гавдасининг оғирлигини яна ўша оёғига ташлаб. Сўнг Фарҳодга қиё боқди: — Шеърини ўзлари ёзганлар-де.

Севара ҳамон довдираганича: «Бу ҳаёсининг илтифотини қаранг-а. Эр меники-ку, ахир!», ўйлади алами кучайиб.

— Концерт ёқдимиз? — сўради Нафиса энди Севарага синиқ жилмайиб. Сўнг жавоб кутмай: — Маланан, менга ёқди, — деди.

— Ёқди. Жонли ижро экан, — гапи ўринли чиққанидан Севаранинг кўнгли ёришди.

— Шунақа бўлса керак, деб ўйлагандим. Эр-хотин роса чапак чалдинлар. — Нотаниш аёл шундай деб ёнидаги диванга қараб қўйди. Кейин киприкларини пирпиратганича: — Ўқувчиларим ҳам шунақа чиройли қўшиқлар айтишини ўрганишмоқда, — деди ва жилмайиб: — Майли, мен хўжайинимни шу ерда кутмоқчийдим. Шунақа бўп қолди... — деди хайрлашиб маъносиди диванга чўқаркан.

Эр-хотин ўйчан кўчага чиқишиб нотаниш аёлдан хайрон эдилар.

— Ким у? — сўради Севара эрига хўмрайганича ёмон сўз айтишдан тилини аранг тийиб. Унинг саволида жаҳл ва алам сезилиб турар, кўнгли тубида пайдо бўлган рашк уқунлари аланга ола бошла-ганди.

— Ўзинг эшитдинг-ку қўшиқчилигини, — деди Фарҳод ҳам ажабланиб. Аслида у концерт тугаб залдан чиқаётса, дафъатан билагидан тутган бу аёлнинг қилимга хайрон қолган, кейинроқ мен билмаган қайсидир танишим бўлса керак, деб ўйлаган ва, ажабки, бу унга ёққанди.

— Гапини қаранг-а. Яна мен унга овсинмишман! Нега ўзингизни қўлтиқлатдингиз? — Хайронман, тўсатдан ўзи шундай қилди. Лекин ёмон гап айтмади. Шеърларингизни ўқийман, деди, холос.

— Нима, ўқимасам мен айбдорманми? — Йўқ, айбдормассан. Сен ўзи бесабрлик қил-

динг, — деди бўш келмай Фарҳод. — Томоша тугамасидан кийимларимизга чиқиб кетдинг. У орқамизда ўтирган экан, залдаёқ қўлтигимдан ушлаб олди. Нима, мен нари бор-э, деб туртиб йиқитишим керакмиди? Одамлар нима дейишарди.

Севара юришини секинлатди-да:

— Бегона хотиннинг қўли ёқмай ўлсин, — деди. — Нима, мен ёмоннамни сизга? Ош-овқатингизни пиширсам, кийим-кечагингизни ювиб, дазирласам, ҳовли супурсам...

Унинг гапларида ўша ашулчидан кўра мен яхшимасманми, ахир, хотинингизман-ку деган гина ва ўқинч сезилар, кўнглида ўзиям тушунмаган аллақандай туйғулар ғалаён қиларди.

— Хафа бўлма, — деди Фарҳод хотини томон қараб. — Тақдиримда сенмисан, бўлди. Сендан яхшии йўқ бу оламда!

Улар тарафиди гуллар чаман очилган йўлак

Абдусаттор ҲОТАМОВ

ЭТИЗАК БАХТ

бўйлаб кетиб боришар, баҳор окшомининг файзу таровати, ёқимли ҳавоси завқини сезишмасди.

— Тўхтанг, — деди Севара бирдан Фарҳоднинг билагидан тутиб, — Бояги аёл таниш кўринди. Ферузанинг мусиқа ўқитувчиси, шекилли.

— Билмадим, — деди эри кўнгли равшанлашиб. — Уни энди кўришим. Иккаламиз ҳам бормаганмиз-ку тўғарагига. Ўзинг бир кун узоқдан кўрдим дегандинг.

Севара энди эрини билагидан қўйиб юбормас, умрида қилмаган ишини қилиб, эркалангандай бошини у томон эгиб-эгиб борарди.

Нафиса эшик яқинидаги иш столида ниманидир ёзиб ўтирган экан. Фарҳодни кўриб, даст ўрнидан турди-да, қўлини қўқсига қўйганча саломлашгач, ерга қаради:

— Мени кечиринг, домла. Характеримга тескари, ўзим хохламаган ишни қилиб қўйибман. — У ҳамон ерга қараганича бир зум жим қолиб, давом этди: — Ўша кунни кечаси билан ухломладим. “Артист”-лигим бошимга бало бўлмасайди, деб. Хайрият...

Кейин Фарҳодга қиё боқди:

— Қизингиз тўғаракага хомуш келадиган бўп қолганди. Бир кун сабабини суриштириб, гапини ичидан зўрға сугуриб олдим. Онам билан отам аразлашадиган бўп қолишди, деди. Ёмон қайфиятда ашула айтиб бўладими, домла, йўқ. Ахир, унда талант бор. Сўндириш... — У гуноҳ, деёлмади, — яхшимас.

Нафиса Фарҳоддан кўзларини олиб қочиб яна сукут сақлади-да деди:

— Шеърларингизни ўқийман. Шоир барибир яхши одам бўлади. Шунга...

— Нима шунга? — деб сўради. Сўнг саволида пинсада оҳанги борлигини сезиб. — Бу қизик-да менга, — деди зўраки жилмайиб.

— Шунга... аёлингиз мен аклсиздан рашк қилиб сезини яхши кўрсин деб... Йўқ, йўқ, яхши кўраркан. Қизингиз айтди. Шеърингизиям яхши кўрсин, деб “артист”-лик қилибман.

Нафиса энди ярим бурилиб, кенг ойнадан кўча томон қараб турар, ажаб, ўшандаги шаддодлигию дадиллигидан нишона ҳам йўқ, аксинча, боқишию гап оҳангда ҳаё ва ибоси устунлик қиларди.

Кейин, — деди у қайта бурилиб хомушланган-

нича. — Ўзимни қўшиқчи ҳисобламайман. Ўшанда шунчаки гап эди. Лекин... лекин телевизорда чиқаётганим рост.

— Рост, рост, — қувонди Фарҳод. — Мен ҳам кўрганман. Шеъримиям қўшиқ қилгансиз. Негадир учрашолмагандик. Телефонда гаплангандик.

Нафисанинг чехраси ёришди:

— Биласизми, аслида тўғарақ аъзоларим моҳир қўшиқчилар. Юртимизни севиб улуглашади. Иқтидорларига тасаннолар айтасиз. Ферузагаям. Кейин, кейин... Оҳ, ишдан қайтсам болаларим «Ойжон!» деб бағримга отилишади. Ана, яна ёқимли қўшиқ!

Илкис Фарҳоднинг ёдига Севаранинг кўчадан топиб келган «Ашула ўқитувчиси ўғай она экан. Икки болали, хотини ўлганга теккан экан», деган гапи тушди. Шу пайт бу аёл болажонлиги учун хурсандлигидан Нафисанинг қўлини маҳкам тутгиси келди. Ва тобора кучаяётган меҳри хохшидан зўрға тийилиб:

— Сиз кўнглимдаги ҳис-туйғуларни тушунаркансиз, — деди энди Нафисага тикилиб. — Шунинг учун шеъримни қўшиқ қилибсиз.

Шу тобда бу аёл билан шеърят, қўшиқлар ҳақида дилдан эшилиб-эшилиб жудам суҳбатлашгиси келди-да, бирдан тўлқинланди:

— Қизик-да, синглим, ўша концертдан кейин, узр, овсинингиз ҳам шеърый китоблар ўқийдиган бўлиб қолди, — деди. — Балки ёзганларим билан таққослаб кўрар. Бу мен учун эгизак бахт-да. Барибир ўзини яхши кўраман.

Фарҳод хайрлашиб эшикдан чиқаркан «Ўзи нега келгандим бу ерга, ҳа, қизим учун раҳмат айтишга эди-ку», деб ўйлади-да ортига ўгирилди ва... жойида қотиб қолди. Нафиса бир оёғини судраб

оксоқланганича хона тўридаги пианино томон борарди.

Шу тобда хайрон бўлган Фарҳод ўйлади: “Феруза тўғри айтганга ўхшайди: «Ўстозим концерт залидан чиқаётиб беҳосдан оёғи қайрилиб кетибди» деб. Бечора, шунинг учун билагидан тутибди, шекилли. Биз эса... Нахотки, инсонни тушуниш шунчалик қийин?»

Баҳор авжига чиқиб, гуллар чаман очилган, осмонда қалдирғочлар жуфт-жуфт бўлиб учар, ҳаво ҳузурбахш ва ёқимли, буларнинг ҳаммаси Фарҳоднинг кайфиятини кўтарарди.

— Келдизми, адаси, — деди дарвозани очган Севара эрига йўл бераркан саломлашгач, — жа-а кеч қолдингиз. Қорнилар очиб кетгандир, деб ич-этимни ёб ўтиравердим овқатиям сузмай.

Ёзувчи Қўчқор Норқобилнинг асарлари бошқа иждоқорларникидан нимаси билан фарқланади деса, камина, аввало, унинг анъанавий, соф реалистик тафсилий йўсинида ёзиши ҳамда битикларида икки жиҳат: афғон уруши мавзуси, мотив ҳам оҳанглари ва Сурхон калорити бўртиб қўринишини айлариб кўрсатган бўлар эдим.

Зотан, Қўчқорнинг ўзи ўша воқеалар — жангтоҳлар иштирокчиси, фаол ҳаракатдаги ҳарбий бўлинмалар жангчиси бўлиб урушга кирган, ўлим билан юзма-юз келган. Унинг ҳикояларида, умуман деярли барча катта-кичик асарларида афғон урушига боғланган не бир алоқадорлик, белги берилар экан, персонажлари, албатта, бошқа қаҳрамонларидан бошқачароқ, галатиқроқ таъриф-таъсирлари билан ажралиб туради, хотирада қолади. «Қордаги лола» ҳикоясидаги Толик — Тоҳир, «Қўларингни кўргани келдим»даги Рома — Контуж, «Осмон остидаги сир» ҳикояси персонажларидан Тўлқун танк, «Янги йил кечаси»даги Нодир...

...Орадан ўн олти йил ўтиб гўзал рус қизи Ирина — эндиликда Ирина Михайловна ба-логатнинг бори фусункор тароватини ўзида жам этиб ёзувчи Тоҳирнинг жанг тоғларда хотирасида қайта жонланади. Хотирада афғон аёли ва гўдагини сақлаб қолиб, ўзи яраланган ҳолида олижаноблик кўрсатган йигитни шунча йилдан сўнг соғиниб, йўқлаб у Москвадан Тошкентга келган. Бор-йўғи бир неча соатгина бўлиб, йигитнинг олдидаги, тақдирнинг ва, энг муҳими, ўз виждони олдидаги бурчини — маънавий қарзини адо этгани келган. Чунки у ҳам ҳар қанча тўқ-тўқин умргузаронлик қилаётган бўлмасин, «хотира оғриғи» деб аталган ҳасталикка йўлиққан. Қалбида хотиржамлиги йўқ. У айнан шу «хасталик» давосини истаб, ёш палласида оний маъбуллик ҳисларини бошдан кечирган қалб одамнинг ҳузурига келган. Учрашиб, бирпасгина сўхбат қуриб, кўнгил безовталигидан ҳалос бўлиш имконини излаган. Тирикликнинг турфа таман-ноларини кўрингич, «юрагининг оғриқли туйғуларини аланга олдирган, ҳаётининг оғир, қайғули чоғларида у билан бирга, йўлдош бўлган аёлга, тақдирда учраган энг қадрдон инсонга» йигит «айни дамида нима дейишини билмайди». Нимадир дейиши керак, ахир. Наҳотки орада шунча йиллар ўтиб, айтадиган сўзи бўлмасан?

Ҳикоя муаллифи шу ўринда инсонлар муносабатидаги галати бир психологик жараёни нозик илғаб акс эттирди. Бир-бирига жуда яқин одамлар йиллар давомида «қўришмасан», гўё айтадиган гапи қўндай туюлади. Бироқ учрашгач, ўтган давр оралиғидаги тафсилотлар ҳаёлдан нари кетади. Дийдор тафти ҳаёлда кечган бари катта-кичик воқеалар, йиллар, мушоҳадаларни дафъатан унуттишга, эсласаликка мажбур этади. Бу жараён бироз ўтиб эхтирослар совиғач, қалқиб-қалқиб ҳаёлга қайтади. Аммо дастлаб учрашганда, инчунун, кўнгиллар сўхбатлашганда, сўзга ўрин қолмайди. Кўнгил одамлари бир-бирига тикилганча сўзсиз сўхбатлашади. Бу сўхбат, муаллиф шоирона аниқ ифода этганидек «туш ва ҳуш оралиғида»ги сўхбат, учрашув эди. Йигит йигитлигига бориб недири бир дилгирлик қилмоқчи, бир-бирларини муллоқоқ боғлаб қўймайдиган мажбурият билан эрқагу аёл ўртасида бўладиган қисқатгина романтик қайфият оғушига кирмоқчи. Қисман шундай бўлади ҳам. Улар бир муддат ҳароратли эхтирос измига ўзларини топширадилар ҳам. Аммо аёл — Ирина бошқа нарса иста-гидида келган. Ўзи айтмоқчи, хотира оғриғига малҳам истаб келган. Четдан қараганда аёлининг ҳаёти тўқис — эри бою бадавлат,

ўзи ишбилармон — «фирмаси бор», фаол умр кечиряпти. Атрофида икки фарзанди, яқинлари, ҳамкорлари. Яна нима керак? Бироқ буларнинг бари бир томон қалб хотиржамлигини топиш бир томон. Хотиржам-лик, «хотира оғриғи»га малҳам — ўша афғон уруши жангтоҳларида тобланган меҳр, оқибат, соф ёруғ неқбин туйғулар, илк муҳаббат, олижаноблик ва ҳоказо ўлмас қад-риятлар, кўнгил мулки. Унинг айна умргу-заронлигида тополмаётгани, истагани ҳам шу. Аслида қордаги лола ҳам шунинг ўзи. Шафқатсиз, дахшатли уруш фонидида на-фис, инжа туйғулар. Инсонни аёвсиз қир-гин кечаётган воқелик домида инсон ўлароқ сақлаган олижаноб фазилатлар, самимий муносабатлар, фидойилик, туйғудошлиқлар. Гарчи Ирина қор бўралаб ураётган руту-батли манзарада ўз туйғулари билан лола — ол чечак мисол пайдо бўлаётгани назар-да тутилса-да, муаллифнинг ҳикоя моҳия-тига «яширган» мақсади бир-бирига тамо-

яна бир қур англагандек бўласиз. Бу машхур ибора шунчаки ҳаёлга келиб қолгани учун айтилаётгани йўқ. Ҳикоя қаҳрамони — яна ёзувчи, шоир Сарвар Сардор қирқдан ўтиб-дики, «рўйи-рўзгорининг тайини йўқ», уйлан-маган. Энаси, қариндош-уруғ, қишлоқдошларининг ҳар қанча эланишу маломатларига қарамай ўз билганича иш тутиб юрибди. У қасам ичган, агар сўйган қизи Нозигулдан қай бир йўсин айлариб қолса, унга қизини «раво кўрмаган бу дунёдан тоқ ўтганим бўлсин», дея бўйинига сўз олиб қўйган. Хануз шу сўзда собит. Бироқ орадан йигирма беш йил ўтиб, таниқли ёзувчи бўлиб, қишлоққа борган рўй берган воқе-алар — мактаб боғида-ги қишлоқдошлар билан учрашув, синфдош-лар йигини, энасининг қўшни аёл билан сўх-бати туфайли «ботинида тўлғонган дарду ҳасрат» ва ниҳоят афғонда хизмат қилган эри Чори кантуж ўлиб, буй етган қизи Сарвара билан ота ўлида ёлғиз яшаётган севгилиси Нозигул билан учрашув ҳаётининг тамомила ўзгаришига сабаб бўлади. Азобга инган нур-ли хотиралар пировардида армонга айлан-май, бахтли якунини топади.

Хўш, нимаси билан эътиборга молиқ бу асар? Шундай тақдирлар аёк изтироби оша эришилган бахт, висол қиссалари кам-

Адабий жараён

ХОТИРА ВА МУҲАББАТ ҚУРШОВИДА

ман зид — уруш ва нафосат, юксак туйғуларнинг қаҳратон қишдек совуқ, маънан муз қотган манзарада қалбларга бағишловчи иқлимининг кўрсатиш ва бу билан инсон ҳар қандай вазиятда — ҳоҳ уруш, ҳоҳ тинч за-моннинг талотўпларию хотиржам паллала-рида ҳам ўз «менини, инсонлик моҳиятини, покиза туйғуларини сақлаб қолмоғи керак», деган ақидани тасдиқлашдир.

Адибнинг яна икки ҳикояси — «Нози... Нозигул» ва «Осмон остидаги сир» ҳам қаҳрамонларнинг хотиралари асосига қурилган. Бироқ бу хотираларнинг бири ёруғ болалик туйғулари, илк ўспирин му-ҳаббати ва унинг қалбдаги сўнмас ёлқини билан боғлиқ бўлса, иккинчиси руҳий қийноқларга маҳкум этгучи, тажовузор, ёқимсиз кечмиш воқеалари билан азоблай-диган ўйлар, безовталиклардир. Гарчи уларда ҳам афғон мавзуси ана тилга олин-са-да, у энди иккиламчи қаторга ўтиб, бош қаҳрамонлар хотираларига дахл этмайди, уларнинг тақдирига алоқадор персонажлар кечмишидаги бир хунук ҳодиса, деталь ўлароқ эслаб ўтилади. Лекин юқорида Қўчқор Норқобилнинг ижодий услубига хос бўртиб қўринадиган бир жиҳат — Сурхон воқеаси колоритини қайд этган эдик.

«Нози... Нозигул» ҳикояси гудирлаган овозли кампирнинг танбеҳи билан бошланади: «Отали олти тўйди, энали етти тўйди, болам. Сенлар ухлайверасан-а?». Муаллиф қишлоқнинг эрта тонгдаги тасвирини чизар-кан, бир ҳолатни қайд этади: «Тонгчи сут иси тутди. Сарви келимини, кампирми ғира-ши-ралик қарйига бир челақ сутни селиб, тонг-ни уйғотиб юборди, гўё. Қишлоқда тонг сут рангидида ўйғонади, қишлоқда тонг отмайди, тонгчи одамлар уйғотади». Ўша танбеҳ ва маъкур метафорик тасвир орқали тасавву-рингиздаги қишлоқ бор бўйи билан жонла-нади. Димогизгизга сут иси анқигандек бўла-ди. Шоиримиз айтмоқчи, «тонг бўзариб» оқараётган палладаги қишлоқ ҳаёлинингизи ва бутун вужудингизни эгаллайди. Негиз ширлар қишлоқда тугилиб Парижда ўлишини

ми? Йўқ, албатта. Қўчқорбил ҳикоясининг муваффақияти, аввало, туйғуларнинг соф-лиги, оҳорлилиги, самимиятида. Тасвирлар-нинг бўлиқлиги, мажозу рамаларга тўйинти-рилгани, инжалигида. Фикримиз исботи учун Сарварнинг қасамидан кейинги қуйидаги лавҳага эътибор қилайлик: «Тонг пардаси сидирилиб тушди. Фалақда бу икки мусаф-фо дил розини эшитиб турган фаришталар бир сапчиб қўйдилар, гўё. Қиз йиғи нуқси урган чехрасини алвон дурраси учи билан тўсиб боғ ичра кириб кетди. Йигит титраб-қашаб унинг ортидан ҳардамхаёл бўлиб ти-клиб қолди. Тонгда айтилган калима тонг-да отилган ўққа айланди. Фаришталар бу гап-га омин, дейишдан ўзга чора тополмадилар». Айна чоғда ёзувчининг ютуғи композицион мураккабликни сақлаган ҳолда воқеалар, тафсилотларни бир ўтмиш, болалик, ёшлик даврларига, бир ҳозирги қунарлага қўйиб, гўёки ҳаёт лавҳаларини макону замонда ал-маштириб адабий «ретро» усулидан оқило-на фойдалана билганида, қолаверса, бади-ий тил, ифода тарзининг пухталиги, шира-дорлигида. Булар энди профессионаллик, маҳоратнинг далолатларидир. Шу туфайли ҳам «Нози... Нозигул» ёзувчи ижодидаги сара асарлардан бўлиб қолади.

«Осмон остидаги сир» ҳикояси ҳам шун-дай ўйларга забт бергани билан эътибор-ли. Унда ҳам хотира бош мотив. Асосий қаҳрамонлар хотира ҳадиги билан яшаёт-ган, хавотир исканжасидаги одамлар: Хай-ринисо, Рўзи махсум. Сир икки кишига — соҳиб ва сабабчию маълууми, демек у аста-секин ҳаракатга келаётган бомба. Барибир бир кун портлаши аниқ. Ана унда ёмон бўлади, бори умидлар пучга чиқиб, ҳаёт зулумотга ўрлайди. Хайринисонинг хаёлидаги эгов шу. Эри Тўлқун танк сир-дан огоҳ бўлиб, ўзини осиб ўлдиригандан кейин ҳам хавотир аригани йўқ. Чунки унинг сабабчиси Рўзи махсум тирик. Ўзининг ва махсумнинг хотини Рўқиянинг уйдан бош олиб кетар пайти аламда айтган қарғиш-лари ижобат бўлиб, икки қўзи кўр — ба-

сир бўлиб қолган эса-да, барибир у ҳаёт, фикри, хотираси тирик. Шундан кўрқадиган Хайринисо, сир очилиши оқибатида юз бе-радиган фожияни ўйлаб яшайди у.

Психологик бадиий таҳлил учун ниҳоят-да кенг майдон. Маъданчи муҳандисдай ба-ғирни пармалаб бориб, кўнгилнинг, ҳаёл-нинг, онгининг не-не қатламларига етиб бо-риш мумкин. Аммо ёзувчи бошқа йўлни ту-тади. Ўзи моил бўлган тафсилий ҳикоя йўлидан бориб, китобхон учун тушнарли, зериктирмайдиган, ҳуш ёқадиган усулни танлайди: ҳам тафсилот, ҳам тасвир, ҳам руҳий таҳлил. Баридан бир чимдимдан, меъ-ёрида. Қарабсизки, ажабтовор бир ҳикоя — галат қисмат, сир синопатли яқун, ўй-мушоҳада, ҳаяжон, жонли кечинма ва ҳока-зо. Шуларнинг барига ҳикоя сўнгидидаги мана бу яқун сабаб: «Хайринисо қизининг юзига тик қарашга ботинмасди, назарида ловула-б ёнаётган қирмизи шафақнинг ҳарора-ти сиймосини жазиллатиб қуйдираётган-дай эди. У олов тафти урган юзларини Ваҳ-шивор тоғлари томонга бурди. Тоғ дара-ларида қудратли, дахшатли шамол берки-ниб, пайт пойлаб ётганга ўхшарди».


Шамолни тутиб бўлармикан? Тўлқун кан-нинг афғон урушида яраланиб, пушти қу-йиб қайтгач, билиб-билмай Хайринисога уй-ланиши, узоқ пайт фарзанд кўрмай юриб, пировардида бир кун хотинида гумона пайдо бўлиши, бунинг сабаби эса онам касал дея ўз уйига танда қўйган аёлининг эскича ўқитиб дам сол-диришга бориб юриб, Рўзи махсум-нинг оқ чангалига илиниши воқеалар-ни муаллиф томонидан шундай тас-вирланадики, ўқувчи беихтиёр Рўзи махсумнинг беҳаюлат энтиқилишларини, Хай-ринисонинг воқеа-фожиа юз бергач, телба-намо кулиб, сархушлик туйишини ва боти-нидаги сир кўрқув, азоб, хавотир ва алам бўлиб жону жаҳонини қуйдирганини ўзида ҳис этади. Бори вазият ва ҳолатларнинг ёзувчи нигоҳи ва қаламидида жуда жонли, ҳаётлий, аниқ, равон бадиий ифодасини туй-иб энди кузатувчи эмас, иштирокчига ай-ланиб боради. Ўқувчи-да сирнинг ошқора бўлишидан хавотирланиб, эхтирослар ичи-да туради. Ана шу маҳорат — носирнинг ба-логати. Яна ҳикоя охирининг сир очилмай, шундай давомли тахлика асосида ниҳоя-ланмай яқунланиши ҳаётийлик жозибасини, бадиий завқни шоён қўчайтиради. Халларга берилиб, сизни ўзига илпиз боғлаб олган тақдирлар китобини ёпгизгиз келмайди...

Ва ниҳоят иккинчи сирдош — сабабчи Рўзи махсум вафоти билан энди хотир-жамроқ тин олиш мумкин бўлганда, қутил-маган яқун — муаллифнинг дахшатли ша-молнинг тоғ дараларида беркиниб, пайт пойлаб ётганга ўхшабини айтиб, «шамол-ни тутиб бўлармикан?» деган шубҳа-гумо-ни. Ана энди ўқувчи ботинидаги жараён-ни тасаввур этиш мумкин. Воқеалар энди китобхон тафаккурда, қалбида давом эта-ди, яшайди. Адабиётдан, санъатдан асли муддао ҳам шу ўзи.

Инсонни хотира ўстиради, чиниктира-ди. Хотиранинг қучи, қуввати аслида кеч-мишлардан сабоқлиги, олдиндаги ва ол-диндаги бўлиб турган ва бўлажак амаллар-га ўзича чоғлаш, борини қадрлаш, борла-рини севишдан иборатдир. Фақат сеғи, инсоннинг инсонга, инсонларга муҳабба-тигина ҳалоскор қуч, кибрдан, такаббурлик-дан, ногисандалигу худпарастликдан асра-ғувчи буюқ қудрат, мустаҳкам қалъа, яғо-на панох. Қўчқор Норқобилнинг хотира ва муҳаббат қушовидаги қаҳрамонлари ўз дунёси, ҳақиқати билан узоқ яшайдиган қаҳрамонлардир.

Шухрат РИЗАЕВ

“ЖАҲОН АДАБИЁТИ” 2016 йил, май сони



Президентимизнинг “Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида”ги фармони мамлакатимизда жадал амалга оши-рилаётган маънавий илсохотларнинг изчил мантқиқий давоми бўлди. Шу муносабат билан журналнинг ушбу сониди адабиётшунос ва тилшунос олимлар И.Фахруровнинг “Янги университет — истиқбол ўқуфлари”, Б.Исабек-нинг “Буюқ қомусий олим”, Ш.Ризаевнинг “Маънавий ис-лохотларнинг узвийлиги” мақолалари босилган.

“Ҳотир сабоқлари” туркумида бу гал улуғ мутафак-

БОРИНГИЗГА ШУКУР, УСТОЗЛАР!

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси нуру-ний адибларнинг саломатлигини мунтазам назорат қилиш, уларга ўз вақтида малака-ли тиббий ёрдам кўрсатиш, байрамлар ара-фасида уюшманинг фаол аъзолари ҳамда марҳум адибларнинг оилаларига “Ижод” фонди маблағлари ҳисобидан моддий кўмак беришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Кўп йиллар давомида самарали ижод қил-ган, адабиётимиз ривожига муносиб ҳисса қўшган, ўзининг ижодий ҳамда ижтимоий фаолияти билан кўпчиликка ибрат бўлган иждоқорлар Ёзувчилар уюшмасининг до-лий иззат-эътиборидир.

Яқинда Ёзувчилар уюшмаси ташаббу-сига кўра, “Ижод” фонди томонидан Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, марҳум иждоқорларнинг оила аъзолари

Китобдан яхши дўст бўлмас

“ҲИКОЯЧИЛИКДА ДАВР НАФАСИ”



Адабиётшунос Умрзок Ўлжа-боевнинг “Turon zamin zlyo” на-шириётида чоп этилган “Ҳикоя-чиликда давр нафаси” моногра-фияси миллий ҳикоячиликнинг тараққиёт йўли ва тасвир маҳо-рати тадқиқига бағишланган.

Китобнинг илк бўлимида атоқли адиб Абдулла Қаҳҳор-нинг ҳикоялари мисолида ха-рактерлар талқини, маънавий-ахлоқий муаммоларнинг қўйли-ши, композиция, сюжет унсур-лари, бадиий деталнинг ўрни каби муаммолар ўрганилган. Ёзувчининг “Асрор бобо”, “Ботирли”, “Кампирлар сим қокди”, “Кўк конверт” каби ҳикоялари батафсил таҳлил этилиб, тегишли хулосалар чиқарилган.

“Фафур Фулом ҳикояларида характер тасвири” мақола-сида адибнинг уруш даври ҳаёти акс этган ҳикоялари тадқиқ қилинган. У.Ўлжабоев “Мамағвой тушунди”, “Эри билан бас бойлашган хотин” каби ҳикояларда уруш ҳақида деярли эслатилмаган ҳолда унинг нафаси акс эттирилгани ёзувчининг ўзига ҳис қилган ишлари самараси эканини таъкидлайди. “Образ талқинида фожи-вийлик унсурлари” мақоласида Ойбекнинг “Уйин учун ўқ” ҳикоясида характер фожиясини ифодалашда пайдаланган ўринли фойдаланилгани, “Шоир Ҳамид Олимжон насри-га ҳис айрим хусусиятлар” мақоласида шоирнинг “Она номуси” ҳикоясида психологик тасвирига алоҳида ургу берилгани далиллар орқали кўрсатилади.

Китобда Саид Аҳмадининг уруш мавзусидаги асарла-ри, чунончи, “Мастонбиби”, “Ирода”, “Қўшиқ” каби ҳикоя-лари атоқли ёзувчининг бадиий олами шаклланишида катта ўрин тутгани таъкидланади.

“Кичик шаклда катта гап айтиш маҳорати” мақоласида олим Ўткир Ҳошимовнинг ҳикоянавислик маҳоратини ўрганган. Жумладан, ёзувчининг “Урушнинг сўнгги қур-бон” ҳикояси таҳлилдан келиб чиқиб У.Ўлжабоев шун-дай ёзади: “Урушнинг сўнгги қурбони” гўё яхлит бир орга-низм деб оладиган бўлса, унинг ҳар бир ҳужайрасига уруш даври шароитининг руҳи сингдириб юборилган. Ҳикоянинг ҳар бир сатридан, лавҳасидан дахшатли уруш изгиринлари эсб тургандек бўлади”. Ушбу ҳикоя пер-сонажлари руҳияти таҳлилдана адабиётшуноснинг тад-қиқотчи сифатидаги маҳорати бўй кўрсатиб туради.

Китобнинг “Бир йил ҳикоялари...” номли иккинчи қис-мидан ўрин олган мақолаларда яқин ўтмиш воқеалари тас-вирланган асарларнинг ютуқ ва камчиликлари илмий хо-лислик билан ишонарли кўрсатиб берилган. Шунингдек, ўтган йиллар мобайнида матбуотда, хусусан, “Ешлик” жур-налида эълон қилинган ҳикоялар тадқиқ қилинган.

Тўпلامнинг учинчи қисмидаги “Эркин тафаккур мева-лари” мақоласида муасталиқ даври адабиёти намуна-ларини жамлаган “Озод Ватан саодати” номли ҳикоялар антологиясидан ўрин олган асарлар ҳақида фикр юрти-лади. Муаллиф ушбу китобни турфа гуллардан дасталан-ган гулдастага қиёслаб шундай ёзади: “Бундай гулдаста-лар, одатда, катта гулзордан саралаб олинади. Гулзорда эса кетма-кет етилиб, барқ уриб очилаётган гуллар кўп бўлиши табиий. Демак, навбатдаги гўзал гулдасталарни қутқишга ҳақлимиз”.

Таниқли адабиётшунос Умрзок Ўлжабоевнинг ушбу ки-тоби орқали биз севиб ўқиган ҳикояларимизнинг мутолаа жараёнида англамаган қирраларини теранроқ ҳис этамиз.

Обида ФАЙЗУЛЛАЕВА,
филология фанлари номзоди,
Гулистон давлат университети доценти

Журналларни варақлаганда

кирнинг “Кўнглим ўртансун...” деб бошланувчи газали-нинг шарҳи, рус ва инглиз тилларига таржимасини ўқий-сиз. “Глобус” руҳини остида Сербия адабиёти, мадания-ти ва санъатида кенг ўрин берилган. Чунончи, сербия шеъ-риятидан намуналарни В.Файзуллоҳ, М.Тожимаматова ўзбекчалаштирган. Сербиялик машхур адиб, Нобел му-кофоти совриндори Иво Андричининг “Ойимтилла”, яна бир серб ёзувчиси Момо Капорнинг “Монтегронинг яшил мовути” ҳикоясини Л.Шоимова ва О.Остахов тар-жима қилишган. Салкам минг йил аввалги тарихий воқе-алар қаламга олинган Исая Калашниковнинг “Қаттол аср” романини ҳам (таржимон М.Йўлдошев) журналнинг ушбу сонидан ўқий бошлайсиз. “Драма” руҳида эса машхур адиб Михаил Булгаковнинг “Иван Васильевич” комедия-си (Н.Аббосхон таржимаси), шунингдек, Андрей Пупур-нинг “Лачплесис — латиш халқ қаҳрамони” эпосининг да-воми билан танишасиз.

С.Мирқосимовнинг буюқ ҳинд адаби П.Тагор ҳаёти ва ижоди ёритилган “Ватаннинг оташин қуйчиси”, И.Қўшбаевнинг машхур хонанда Муслим Магомаев ва Ш.Ризонинг атоқли шоиримиз Эркин Воҳидов ҳақида-ги эсселари ҳам журналнинг ушбу сони мундарижа-сини бойитган асарлардан.

Севара ШЕРМАТОВА

РУҲ ВА КЎНГИЛ ҚУВВАТИ

Мен сўхбатлардан бирида устоз, академик Азиз Қўчқорнинг иш куним-ни Навоий ғазалларини ўқишдан бошлайман, деган сўзларини эшит-гандим. Шул сабаб ҳар куни эрталаб Алишер Навоий ижодидан бир ғазал-ми, достондан парчами мутолаа қилишга ҳаракат қиламан. Дарҳақиқат, Навоий мисралари руҳингизга бош-қача таъсир қилади. Сиз ўзингизни ғойибдан қувват олгандек сезасиз.

Сизни ўйлантираётган ма-салаларнинг ечимини топ-гандек бўласиз.

Замонимиз учун жуда зарур бўлган юртпарварлигини-да Алишер Навоий-дан ўргансак арзийди. «Хамса»нинг «Садди Искандарий» достонидаги саксон саккизинчи бобида қуйидаги мисралар бор:

Навосиз улуснинг навобахши бўл,
Навоий ямон бўлса сен яхши бўл.

Хусайн Бойқаро билан низога ки-ришган укаси Дарवेशалини муроса-га чақириб ёзилган мактубидаги мана шу бир байтда Навоийнинг қанчалик юртпарварлиги, камтарлигию инсоний муҳаббати юксаклиги ўз аксини топ-ган. Навоий бу сўзларни туғишган жигари Дарवेशалига қарата айтса-да, у худди бугунги кунда ҳар бери-мизга айтилгандек жаранглайди. Байтининг илмий шарҳини навоийшу-носларимиз ёзишган, яна тўлдири-шар. Мен китобхон сифатида улуғ шо-ирнинг сатрлари қанчалик пурмаъно,

таъсирчанлигини айтмоқчиман, хо-лос. Алишер Навоийдек инсон улусга яхши бўлиши учун номи ёмонга чи-қишига-да рози. Унинг укаси Дарве-шалига бўлган кўнглидаги меҳри, му-ҳаббати халқига бўлган муҳаббатнинг ҳужий қўринишидек. Улуснинг наво-бахши бўлиш, яъни элнинг сўзини айтувчи бўлиш нақадар улуғ саодат-лигини ҳазрат Навоий ҳис қилгани учун шу сатрларни ёзгандир. Қалби олижаноб туйғуларла тўлиб-тошган шахс ода-мийлигининг буюк намуна-

си эмасми бу. Бизни — бугунги ав-лодларни ўзаро меҳр-оқибатга чо-рлов бонгимасми?.. Ва нақадар халқо-на айтилган: мен ямон бўлсам сен яхши бўл. Ўздаги кибрни ўлдириш айна пайтда яқин кишии учун фи-докорлик. Алишер Навоийнинг ҳар бир сўзи, сатри фикрлашга ундайди, сизни ўйлантиради. Фикрлашга чо-рлов эса маънавий тарбиянинг асоси-дир. Қани энди ҳар биримиз кўнгли-мизда Навоий айтгандек эл-улуснинг навобахши бўлиш, яъни юрт дарди-га дармонлик истагини туйсақ. Мил-лий мафкурамизга ярашмайдиган, анъаналаримизга пугур етказадиган қўсурларга қарши курашсак. Инсон-нинг дилида бўлса, халққа хизмат қилишнинг йўллари жуда кўп. Наво-ий ҳазратлари бизнинг руҳимизда мана шундай беминнат хизмат қилиш шуурини уйғотади, руҳиятимизни ти-

ниқлаштириб, қалб навоимизни улус навоиси билан ҳамоханг бўлишга ун-дайди. «Сўзни жаҳон баҳрида дурдо-на билган» шоир сўз сеҳрида дили-мизни ғуборлардан тозалайди. Бадан ювилмаси қирланганидек, қалбимиз ҳам мунтазам парваршига муҳтож. Бу ўз-ўзимизни тафтиш қилиб, дилимиз-ни иллатлардан фориғ қилмоқлик. Ўзини йимонли деб билган қисма бунга интиломоғи ҳам фарз, ҳам қарз-дир. Зотан, Навоий бобомиз:

Ким-ки жаҳон аҳлида инсон эрур,
Бил-ки нишона ахдида ймон эрур —

деганларида бутун эзгуликларни ий-мон калимасида ифодалаган, инсон ий-мон-ла инсонлигига уруғ бергани бе-жизмасдир. Хуллас, эрталаб уйғонган-да юзни ювмаслиқни қанчалик ўзи-мизга сингдирга олмасак, Алишер Навоийни ўқимаслиқни ҳам шунчалик нотўқислик деб билимқ керак.

Навоийни қайта-қайта ўқир экан-сиз, Ўзбекистон халқ шоири Жума-ниёз Жабборов «Навоий борлигин билмоқлик учун, бир келиб кетишга арзир бу дунё» сатрларини ёзганида нақадар ҳақ эканлигига яна бир бор ишонасиз. Менинг бу қатра бошида ва охирида келтирган фикрларим ким-гадир эриш туюлар. Ишонмасангиз сиз ҳам синаб кўринг. Ҳазрат Алишер Навоийдан ҳар куни ўқингиз, руҳин-гиз, танангиз, албатта, қувват топгай.

Адхамбек АЛИМБЕКОВ

Ахборот хизмати.

Умр бўйи мусиқа ва мусиқачилар ичида юрганим, неча йиллардан буён мусиқанинг турли жанрларида ижод қилиб келаётганимга қарамай, қуни кеча ўз ишини якунлаган Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти саммити иштирокчилари учун Анжуманлар саройида намойиш этилган концерт дастурини томоша қила туриб, кўнглимда фахр туйғулари жўш урди. Таниқли хонандалар Муножот Йўлчиева, Нодири Пирматова, операмиз юлдузи Муъссар Раззоқованинг дунё билан бўйлашган ижролари, Ёшлар симфоник оркестри, раққосаларимизнинг бетакрор чиқишлари, турли тилларда янграган қўшиқлар...

Залда ўтирган чет эл давлат раҳбарлари ва меҳмонларнинг юзида ҳам мамнулик аломатларини кўриб, Ўзбекистондай юртда яшаётганимга беихтиёр шукрона айтасан. Дарҳақиқат, истиқлол йилларида ўзбек мусиқа санъатида ҳавас қилишга аргизулик ўзгаришлар юз берди. Биргина чет эллар билан алоқаларни олайлик. Мустақилликкача фақат мен ва Мирсодиқ Тожиев иккимизга чет давлатда бўлиш насиб этган. Ҳозирги кунда эса Мус-

Рустам АБДУЛЛАЕВ,
Бастакорлар уюшмаси раиси

маърузалар қилгани бизга фахр бағишлайди. Бундан ташқари, республикамизда ўтган халқаро симфоник мусиқа фестиваллари, "Куз наволари", "Давр садолари" халқаро мусиқа фестиваллари, "Илҳом XX" замонавий камер мусиқа фестивали, "Бойсун баҳори" фолклор-этнографик фестиваллари ҳам ўзбек мусиқаси ривожига муҳим аҳамият касб этди. Мазкур тадбирлар Ўзбекистон композиторларининг опера, оперетта, ба-

ат ва мусиқа мактабларининг ташкил этилиши истеъдодлар сафининг янада кенгайишига йўл очиши, шубҳасиз. Зеро, профессионал санъаткорларни, композиторларни тарбиялашда бу мактабларнинг катта ўрни бор.

Истиқлол йилларида ўзбек аскарларининг жанговар қўшиқлари, саф қўшиқлари дунёга келди. Мустақиллик ва Наврўз тантаналарида Ватан, севги-муҳаббат, юртга садоқат мавзуда кўплаб қўшиқлар янгради. Бунда Бахрулла Лутфуллаев, Алишер Ра-

римизнинг бир қисми, холос. Зеро, мусиқа аҳли Ўзбекистон мустақиллигининг чорак асрлик тўйини муносиб қутиб олиш учун тайёргарликни йил аввалидаёқ бошлаб юборган. Бунда биз учун она диёримизда ўтаётган байрамлар, "Биз — буюк юрт фарзандларимиз", "Ким эдигу ким бўлдиқ" каби фестиваллар, ҳамюртларимиз билан ижодий учрашувлар илҳом манбаи бўлиб хизмат қилмоқда.

Январ ойидан бошлаб композитор ва бастакорларимиз виллоятларда бўлиб, "Наврўз" тантаналари дастурини тайёрлашда фаол қатнашди. Мутал Бурхонов ва Сулаймон Юдаков каби улғу ижодкорларимизнинг 100 йиллиги муносиб нишонланди. Касаба уюшмалари федерацияси, Ёзувчилар уюшмаси билан ҳамкорликда энг яхши болалар қўшиқлари, "Маҳалла" жамғармаси, Ёзувчилар уюшмаси билан бирга энг яхши маҳалла қўшиқлари танловларини ўтказяпмиз.

Уюшмамизда ҳар ойда икки марта ёш композиторлар учун Феликс Янов-Яновский раҳбарлигида жаҳон мусиқаларидан тингла-ниб, маърузалар ўқилади.

Композитор ва бастакорларимиз Мустақиллик байрамига бағишлаб янги қўшиқлар яратмоқдалар. Улар орасида Ҳабибулла Раҳимовнинг "Ўзбекистон", Ойдин Абдуллаевнинг "Ватан", Бахрулла Лутфуллаевнинг "Садағоҳим", Дилором Омонул-лаванин "Нур диёрим", Алишер Расу-

ловнинг "Офтобдайин қадимий", Хуришда Ҳасанованин "Обод Ватанда", Шухрат Зокировнинг

"Икорор", Д.Султанязованин "Истиқ-лол таронаси" каби қўшиқлари бор.

Ўзим ҳам "Ўзбекистон" ва "Мубо-ракбод" номли қўшиқларим устида-ги ишларни ниҳояламқоқдам. Бундан ташқари, Аҳмадхон Раҳимов ли-бреттоси асосида "Она изтиробин" ба-лети устида ишляпмиз. Унда қата-гон, фашизм, терроризм, умуман ёвузликка қарши оналар муносабати акс этади. Ўйлайманки, истиқлоли-мизнинг 25 йиллиги нишонланадиган кунларга эришган зафарларимизни, бугунги кунимизни мадҳ этувчи яна кўплаб янги мусиқий асарлар дунёга келади.

Г.УМАРОВА ёзиб олди.

МУСИҚАДА ЮРТ МАДҲИ

тафо Бафоев, Дилором Сайдамино-ва, Ҳабибулла Раҳимов, Фарҳод Али-мов, Анвар Эргашев, Феликс ва Дмит-рий Янов-Яновскийлар, Жаҳонгир Шу-куров ва менинг асарларим АҚШ, Япо-ния, Хиндистон, Германия, Россия, Испания, Корея, Таиланд, Италия, Буюк Британия, МДҲ ва бошқа мам-лакатларда муваффақиятли ижро этилди.

Юртимизда ўтаётган республика ва халқаро миқёсдаги фестивалларни айтмайсизми! Бунда, энг аввало, Пре-зидентимиз ташаббуси билан 1997 йилдан буён қадимий ва навақирон Са-марқанд шаҳрида ҳар икки йилда ўтказиб келинаётган "Шарқ таронала-ри" мусиқа фестивалини тилга олиш жоиз. Фестивал мадҳиясининг муси-қасини таниқли композитор Дилором Омонуллаева басталаган. Ушбу фести-валда қатор композиторларимиз асарлари янграгани, кўлаб таниқли мусиқашунос олимларимиз дунё олимлари билан бир минбарда туриб

лет, мусиқали драма, симфония, йи-рик ва кичик жанрдаги симфоник ва камер қолғу асарлари, вокал, эстра-да мусиқаси каби йўналишларда эри-шаётган ютуқларини кенг жамоатчи-ликка намойиш этди.

Ёш опера хонандалари ижодини рағбатлантириш ва тарғиб қилиш ма-қсадида ўтказилаётган Назира Аҳме-дова номидаги хонандалар танлови, "Ёшлик баҳори" опера ижрочилари танлов-фестивали шундай бетакрор овоз соҳибларини кашф этдики, бу-гун уларнинг маҳоратига жаҳон тан бермоқда.

Саида Мамадалиева, Малика Нор-матова, Гулнор Алтжанова, Абдумалик Абдуқаюмов, Кирилл Барчанинов, Ра-ҳим Мирзакамолов, Барно Исмаи-лаева... Бундай истеъдодли ижрочи-ларнинг сафи кенг.

Ёш бастакорлар, ёш мусиқашунос-лар, "Санъат гўнаҳари", "Янги ном-лар" каби танловларни айтмайсизми! Юртимизда 300га яқин болалар санъ-

сулов, Алишер Икромов, Мустафо Бафоев, Анор Назаров, Ҳабибулла Раҳимов, Ойдин Абдуллаева, Хуриш-да Ҳасанова, Шухрат Зо-киров, Мусахон Нурматов, Павел Назаров, Шухрат Дадажонов, Аваз Малла-боев, Улғубек Мамасолиев каби ком-позитор ва бастакорларнинг ҳисса-си борлиги бизни қувонтиради.

Ўтган йигирма беш йил давомида жуда кўлаб таниқли композиторлар, бастакорлар ва мусиқашуносларнинг хотира кечалари, ижодий кечалари ўтказилди. Булар етишиб келаётган ёш авлод учун ўрнак бўлади, деб ўйлаймиз.

"Нихол", "Ягонасан, муқаддас Ва-тан" кўрик-танловларида ҳар йили ўнлаб янги қўшиқлар яратилиб, улар-нинг асарияти тиллардан-тиллarga кўчаётди, катта-катта концертлари-мизда янграмоқда.

Юқорида санаб ўтганларимиз ҳали амалга оширган ва оширажақ ишла-

Сарҳисоб

ни саҳнада намойиш этиш билан бирга, шоир ва бастакорлар томонидан яратилган замонавий алла қўшиқларини ҳам ижро этдилар.

— Мазкур фестивалда ёшларнинг кўпчилиги ва уларнинг ёқимли ижроси бизни қувонтирди, — деди ҳакамлар ҳайъати раиси, Ўзбекистон халқ артисти Азиза Бегматова. — Айниқса, Қорақалпо-ғистон Республикаси, Сурхондарё, Андижон вило-ятларидан келган иштирокчиларнинг миллий урф-одат, анъаналарга, либос-ларга, ижро маданиятига муносабати яхши таассурот қолдирди. Шу билан бирга, оҳангларда бир хиллик, аллани ҳаддан зиёб баланд овозда қуйлаш, саҳнада ўзини тутиш ма-салаларида баъзи камчиликлар қузатилдики, кел-гусида қатнашчилар эътиборлироқ бўладилар, деб умид қиламиз.

Фестивал қатнашчилари турли йўналишлар бўйича тақдирландилар. Қашқадарё вилояти энг ёш ижрочи, Тошкент вилояти фахрий ижрочи, Сур-хондарё урф-одат ва анъаналар тарғиботчиси, На-манган ўзига хос ижро услуби, Андижон саҳна ма-данияти, Қорақалпоғистон ижро маҳорати, Фарғо-на вилояти жамоаси муҳлислар олқиши учун аж-ратилган диплом ва совғалар билан тақдирланди-лар. Шунингдек, фаол жамоаларга фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари топширилди.

Ўз мухбиримиз.

“ОНАМ АЙТГАН АЛЛАЛАР”



Алла тинглаб улғаймаган, унинг майин, дилга хуш ёқувчи оҳангларига маҳлиё бўлмаган ўзбек бола-си топиламаса керак. Яна ҳам қизиги шундаки, бу оҳанг то кексаяиб, ҳаётдан кўз юмгунча ҳам одам боласининг ўй-хаёлида қарх уриб юриши ҳақида кўп эшитганмиз. Зеро, гўдак илк бор тинглаган,

меҳр-муҳаббатга йўғрилган бу қўшиқ оҳанги унинг қалбига ватан сасини, аждодлар нафасини, мил-лат руҳини жо этади. Ана шундан болада она тилига, юрти-га муҳаббат уйғонади. "Алла" халқ оғзаки ижоди-нинг ноёб дурдонасидир.

Шу маънода Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан ўтказилган "Онам айтган аллалар" рес-публика фестивалининг аҳамияти катта. Миллий қадриятларимизни асраб-авайлаш, алла жанрини аҳоли, айниқса, ўсиб келаётган ёш авлод ўртасида кенг тарғиб этишни мақсад қилган ушбу фестивалнинг якуний босқичи пойтахтимиздаги Гафур Гулом номидаги маданият ва истироҳат боғида бўлиб ўтди. Тақдирда ҳудудий бо-сқичларда қатнашган кўлга киритган 25 ёшдан 40 ёшгача бўлган иштирокчи маҳоратини намойиш этди.

Иштирокчилар ўзлари яшаётган ҳудуднинг алла айтиш билан боғлиқ урф-одатлари, маросимлари-

Фестивал

билдиради: "Ким бошқаларнинг орти-дан эргашса, ҳеч қачон улардан ўзиб кетолмайди ва ким керакли даража-да ишлаган қодир бўлмаса, ҳеч қачон бегона асарлардан ҳам зарур дара-жада фойдаланолмайди."

Мен фламанд ранг-тасвирини бутунлай ёмонлиги учун эмас, балки кўп нарсаларини яхши иш-лашга бўлган интилишини тергамай-ман (айни пайтда уларнинг ҳар бири-ни яратиш буюк ва машаққатли меҳ-нат), шунинг учун уларнинг ҳеч бири мукамаллик даражага етмайди.

Римдаги Сикстин капелласига иш-ланган "Дахшатли суд" фрескасида-н нусха кўчиратган ёш рассомларни уч-ратган Микеланжело ачинганча, захар-ханда қилади: "Менинг бу санъатим яна қанчаларни нодонга айлантиради!"

Лоренцо Бернини
(1598—1680):

Кардинал Ришелье "Ҳайкалтарош-лик ва рангтасвир ўртасида қандай

БАРҲАЁТ ВА СЕВИМЛИ

Шарқдан таралган маърифат зийбидан нур олган кўҳна Италия диё-ри бундан беш аср муқаддам Европа Ренессансининг бешигига ай-ланди. Гомер дostonларию Фаробий ва Ибн Сино даҳосидан яралган бу комиллик алласини тинглаб, буюк рассом ва ҳайкалтарошлар ети-шиб чиқди. Улар ўз даврининг аллома ижодкорларини сифатида шу-рат қозонгани сабаби шунда эмасми! Бу бетакрор сиймолар ўлмас санъат асарлари билан бир қаторда кўлаб адабий ижод намунала-рию илмий рисоалар муаллифига айланди. Илгари сурган фикр-му-лоҳазалари, ижодий қарашларию тажрибалари бебаҳо деворий су-ратлар, картина ва ҳайкаллар сингари ҳамон барҳаёт ва сеvimли.

Паоло ВЕРОНЕЗЕ
(1528—1588):

Микеланжело БУОНАРРОТИ
(1475—1564):

Санъатдаги гениаллик — фалак инъоми; тумна истеъдодга эга бўлмай туриб рангтасвир билан шу-гулланш — денгизга уруғ ташлаш билан баробар.

Ноодатий услубда яратилган "Кечки ибодат" картинаси туфайли инквизиция судига қақирилган Ве-ронезе ижодий қарашларини тушун-маган терговчиларга шундай жавоб беради: "Биз, мусаввирлар ҳам шо-иру телбаларга хос эркинликдан фойдаланамиз..."

Буюк мусаввир ҳар сафар янглиш ва алдамчи бўлиб тулган асарини яратганда, бу ёлгон ортида чин ҳақиқат яширинади.

...майли, у мени бахтиёр қилсин, мен унга гўзаллик ато этаман.

Антик даврдан мерос машҳур ҳай-калларнинг мармар нусхаларини иш-лаб, ўз қайтариқларида мозийнинг буюк усталарини ортда қолдиргани-ни овоза қилаётган ҳайкалтарош ҳақида Микеланжело шундай фикр

ОЗОДАНИНГ ОЗОД ОРЗУСИ

Озода болалигидан кўрган ҳодисалари, қалбида ҳис этган туйғуларини ранглар орқали ифодалашга интилади. У оламни фақат ранглар жилвасида тасаввур этади. Балоғат ёшига етиб ҳам ҳамон ранглар дунёсида кезиб, жилвакор туйғулар тасвирини қоғозга туширмоқда.

Озода Исмоилова кўҳна Хива тупроғида туғилган. Боқий меросимиз бўлган обида-лар, муҳташам бинолар шакли-шамойилию сержилва ва нақшкор манзараси ёш рас-сомни ўзига мафтун айлаган бўлса не ажаб! Бундай мўъжизалар оламидан илҳомланиб қўлига мўйқалам олган рассом 2014 йил март ойида туманда ўтказилган "Худудимиздаги тарихий обидалар" кўрик-танловида биринчи ўринни кўлга киритди. 2014 йили эса Маънавият-тарғибот маркази томонидан ташкил этилган "Юксак маънавиятли авлод" кўрик-танловининг ту-ман, виллоят босқичларида ғолиблика эри-шиб, "Ўз асарида миллийликни акс эттирган рассом" номинациясига лойиқ то-пилди ва танловнинг рес-публика босқичида қатнашишга йўлланма олди.



Истиқлол фарзандлари



Ҳозир О.Исмоилова Урганч давлат университети қошидаги 2-академик лицейнинг биринчи босқичида таҳсил олиш билан бирга Ўзбекистон Бадий академияси аъзолари Шамсиддин Қаландаров ва Мадамин Худойберганов мураббийлигида тасвирий санъат сир-ларини ўрганаётди. "Ўзбекистоннинг етти мўъжизаси" кўрик-танловининг республика босқичида I даражали дипломга сазовор бўлган Озоданинг расмларида жонажон диёрига, унинг гўзал табияти, одамларига улкан муҳаб-бати акс этган.

Шу йили Хоразм виллоятида бўлиб ўтган "Камолот" ёшлар ихтимой ҳаракатининг «Биз — буюк юрт фарзандларимиз» фести-валида нафақат тасвирий санъат асар-лари, балки миллийлик уйғунлашган эс-кизлари кўргазмасини ташкил этган рас-сом қиз дизайнерлик қобилияти билан ҳам қатнашчиларда катта қизиқиш уйғот-ди. Яратган либосларида миллийлик ва замонавийликни уйғунлаштиришга ин-тилган Озода ўз эскизлари бўйича кўйлак ва либосларни маҳорат билан тикиш-га ҳам ҳаракат қилади.

Тасвирий санъат бўйича билимларини ошириш билан бир қаторда, немис ва инглиз тилларини мукамал ўрганишга бел болаган О.Исмоилова 2013-2014 ўқув йилида бўлиб ўтган "Билимлар беллашуви" танловининг немис тили йўналишида туман босқичида биринчи, виллоят босқичида эса учинчи ўринни кўлга киритди. 2015 йили Германиянинг Фрайбург университети билан ҳамкор-ликда Тошкент шаҳридаги Гёте институти вакили Хайнер Бернт бошчилигида ўтган имтиҳонда аъло натижага эришиб, халқаро сертификат соҳибасига айланди.

Тасвирий санъатда ўз йўлини топишда тинимсиз изланаётган ёш рас-сомнинг натюрморт, портрет жанрида қизилган, табиат манзаралари акс этган суратларини нафислик билан тасвирлаб тургандек гўё. Уларда бегуборлик на-фаси уфурлади, ёш қалбнинг ўй-хаёллари, бокира орзулари бўй кўрсатади.

— Олам ранглар билан гўзал. Мана шу рангинлик сабаб одамлар табиатни севишад, унга ҳайрат кўзи билан қарашади. Мен ҳайратларнинг тугамаслиги-ни истаيمان ва ҳамиша дунёни тасвирлаб қайта-қайта жонлантиришга, яшар-тиришга интиламан, — дейди тасвирий санъатдаги муваффақиятлари учун бу йил Зулфия номидаги давлат муқофотига лойиқ топилган Озода Исмоилова. — Сержилва олам гўзаллиги мусаввирнинг илҳом манбаи. Она диёримиз таровати, бетакрор табияти, меҳнатсевар, бағрикенг одамлари қалбимга илҳом бағишлаб турар экан, кўлимдан мўйқаламим тушмай, ижодда давом этавераман.

Вазира ИБРОҲИМОВА

Журналларни варақлаганда

"ТЕАТР", 2016 йил, 3-сон

Журналнинг ушбу сониде театр оламидаги янгиликлар, турли фестивал ва танловлар ҳақидаги маълумотларга кенг ўрин берилган. Илк саҳифалардан жой олган Эсонбой Ўри-новнинг "Катта саҳна остонасида" мақоласида санъат ва ма-даният коллежлари ўртасида бўлиб ўтган "Йилнинг энг яхши саҳна асари" танлови натижалари муҳоса қилинса, Азиз Ма-тёкубовнинг "Образлар рақси" мақоласида "Актёр ижодида рақс санъати" кўрик-фестивалига эътибор қаратилади.

Истиқлол йиллари мамлакатимизда болалар театри ва драматургияси-да эришилган ютуқлар ва истиқболдаги режалар хусусида Мухаррам Ёқуб-жонованин "Саҳнага кўчган болалик" мақоласида кўз юритилди. Фахрид-дин Абдувоҳидовнинг "Кувонч ва мўъжизалар маскани" сарлавҳали тадқи-қотида Сурхондарё виллоят кўйроқок театрининг кейинги йиллардаги фа-лоиятига назар ташланган. Талаба-ёшларнинг саҳна нутқи ҳақидаги муло-ҳазалари, тақлиф-истақлари "Театр — ёшлар нигоҳида" сарлавҳаси ости-да чоп этилган. Шунингдек, журналнинг мазкур сонидан ўрин олган Барно Шохназарованин "Алишер Навоий" операсида хор мусиқаси", Марям Мўми-нованин "Нигох" билан учрашув, Шоҳрух Абдурашодовнинг "Саҳнага ар-мугон китоб", Абдуазиз Хошимовнинг "Актёр — театр юраги", Сун-а-тулла Каримовнинг "Севги афсонаси"нинг жозибаси" каби мақола ва суҳ-батлари ўқувчиларни бефарқ қолдирмайди.

Гулчехра НУРМУРОВА

ЭДО ШАҲРИ МАНЗАРАЛАРИ

Пойтахтимиздаги Тасвирий санъат галерея-сида "Эдонинг 100 кўриниши" деб номланган кўргазма очилди. Экспозициядан япониялик рас-сом Хиросигэнинг гравюралар туркуми ўрин олган. Рассом Эдо шаҳрида та-валлуд топгани учун ҳам ижодининг қизгин палласини унинг сўлим гўшалари-ни тасвирлашга бағишлади. Ушбу туркумдаги манзаралар икки турга бўли-нади: декоратив чизгиларга эга манзаралар ёки табиатдан ишланган чизги-лар. Рассом табиат жозибасини, турли ҳолатларини аниқ ифода этиш билан томошабини беихтиёр шу манзара ичига олиб қиради. Шаҳар кўринишлари, туб аҳолининг турли байрамлардаги иштироки, миллий либослари рассом-нинг ўта кузатувчанлигидан даролат беради. Нафақат Японияда, балки бошқа кўлаб мамлакатларда ҳам Хиросигэ гравюраларига қизиқувчилар сони ор-тиб бормоқда. Пойтахтлик муҳлислар мазкур тўппамдан бир ой мобайнида баҳраманд бўлишлари мумкин.

С.КОСИМОВА

Мамлакатимиз ҳудудида ноёб ёдгорликларга бой масканлар кўп. Шундай қадим гўшалардан бири Далварзинтепадир. Мазкур археологик ёдгорлик Боботоғ ва Бойсунтоғ оралиғидаги Кармакисой бўйида жойлашган. Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, бу ерда илк аҳоли турар маскани эраминдан аввал III-II асрларда ясси тепаликнинг жанубида вужудга келган. Зич ҳолда қурилган аҳоли маскани юнон-бактрия даврида мудофаа деворлари билан ўралган.

Шаҳарнинг гуллаб-яшнаган даври II-III асрга тўғри келади. Бу вақтга келиб шаҳарда оддий фўқор ва зодагонлар уйлари, шаҳар маркази ҳамда катта кўчалар чорраҳасида йирик буддавийлик ибодатхонаси, шимол томонда маҳаллий илоҳа ибодатхонаси барпо қилинган. Шаҳристоннинг жанубий-ғарбий бурчагидан қуллоллар мавзеи жой олган.

Ўзбекистон Фанлар академияси Санъатшунослик институтининг қадимшунос олимлари чорак асрдан буйи мазкур тепаликда археологик тадқиқот олиб бормоқда. Изланишлар натижасида Далварзинтепа ҳудудида ишлаб чиқариш устaxonалари, шаҳар майдонлари ва ҳовузлар, сув тармоқлари тизими қазиб очилди. Шаҳардан ташқарида буддавийлик муқаддасгоҳи ва зардуштийлик хилхонаси аниқланган. Шаҳар сосонийлар юриши натижасида III асрнинг иккинчи ярмида вайрон бўлганлиги, VI-VII асрларда мудофааланмаган қисмида аҳоли вақтинчалик яшагани аниқланган.

Сўнгги йилларда олиб борилган қазималар натижасида бу ерда қушон даврига оид бино мажмуаларининг янги қолдиқлари очилди. Бино бир неча хоналардан ташкил топиб, деворлари оҳак билан оқланган ва уларнинг бирида, аниқроғи, марказий залда йирик тош пойустунлар ва уларнинг тошдан ишланган юқори қисмлари бўлаклари аниқланди. Далварзинтепадан мазкур мажмуага яқин жойда аввал ҳам қадим эллада меъморчилигига хос конструктив-бадий безаклар топилганди. Одатда, кўп машаққат талаб қиладиган бу каби меъморий қисмлар аҳамиятли иншоотларда қўлланган. Бу эса шаҳарда меъморлик тараққий этганини билдиради.

Мажмуадан топилган археологик буюмларнинг асосий қисmini турли-туман бежирим сопол идишлар ва уларнинг синиқ бўлаклари ташкил қилади. Улар орасида амфора шаклидаги икки қулоқли кўзалар,

вазалар, қора лойдан ясаб ишлов берилган шокосалар, ажойиб шаклдаги пиёла ва қадаҳлар, ликопчалар ҳамда бошқа кўплаб ошхона идишлари бор. Сопол идишларнинг аксарияти қушон даврига оид бўлиб, айримлари қизил бўёққа (ангобга) бўялган, бошқаларига турли безаклар берилган. Кўза бўлакларининг бирида тик доирасимон шаклда ёнма-ён туширилган иккита муҳр излари сақланган. Уларда бир хил тасвир —



Далварзинтепадан топилган Қушон шаҳзодасининг боши. (Эрамининг I асри.)

тамғасимон шакл ифодаланган.

Қазиб очилган хоналарнинг бирида ўндан ортиқ катта ва кичик ҳумлар топилди. Улар ер остига қўмилган бўлиб, озиқ-овқат сақлашга мўлжалланган ва "музлатич" вази-фасини бажарган. Топилмалар орасида бир

хум бўлаги юзасидаги ботиқ муҳр диққатни тортди. Синчиклаб кузатилганда, хум сиртидаги айлана шакли муҳрда қилич ва қалқон ушлаб, қайиқда сузиб бораётган эркак тасвирлангани аён бўлди. Тасвир атрофи панжарасимон безак билан ўралган. Чамаси қуллол-уста бу ерда шаҳар атрофидаги сувли ҳандақда сузиб юрۇвчи посбонни тасвирлашга уринган бўлса керак.

Топилмалар ичида ҳайкалчалар алоҳида ўрин тутди. Бу мўъжаз ҳайкалтарошлик намуналарининг кўпчилигида аёл образи акс этади. Улар тик ва ўтирган ҳолатда, узун халат ҳамда ғаройиб бош кийимда, сочлари чиройли турмакланган бўлиб, айримларининг кўллари ёпиқ бўлса, бошқалари бирор бир буюм ушлаган ҳолатда тасвирланган. Далварзинтепа ҳайкалчаларида маҳаллий тасвирий санъат аъёнлари билан бирга ўзлаштирилган эллин маданияти таъсири-

ни сезиш мумкин. Бу ҳайкалчалар турли диний эътиқодлар билан боғлиқ бўлиб, маҳаллий аҳолининг маънавий дунёқарашини акс эттиради. Ҳайкалчалар орасида услублаштирилган ҳолатда ясалган отлар ҳам учради. Улар қўлда ясалиб, қизил рангга бўялган ва махсус ҳумдонларда пиширилган. Ҳайкалчалардаги кийим бурмалари ва бошқа безакларнинг аниқлиги билан ифода этилиши усталарнинг юксак маҳорати ва таҳрибасидан дарак беради.

Қазилмалар чоғида шамчироқлар, тўқима-чирикда ишлатилган кўплаб урчуқ тошлар, бронза ойна, турли уй-рўзгор буюмлари ҳамда тангалар топилди. Кўп миқдорда аниқланган мис ва бронза тангалар, асосан, қушон шоҳлари зарб қилдирган пуллар бўлиб, ҳудудда пул-товар муносабатлари, умуман олганда эса иқтисодиёт тараққий этганидан гувоҳлик беради.

Археологик ашёлар ичида ҳайвонлар тасвирланган дастали исириқдон (ёки шамдон) композицияси алоҳида аҳамият касб этади. Металдан моҳирлик билан ишланган, дастаси шохли кийик кўринишида ясалган исириқдон, таҳминимизча, бирор муаттар ўсимлик (исирик) ёки шам қўйиш учун мўлжалланган. Метал тутатқидоннинг юксак бадий услубда ясалган ушбу камёб намунасида махсус маросимларда фойдала-



ниланг, деб тахмин қилиш мумкин. Кичик ҳажмда нозик ишланган шиша идишлар эса тиббиёт ёки атторлик маҳсулотлари учун мўлжалланган бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Бу шаҳар аҳолисининг тиббиёт билан шуғуллангани ҳамда нозик диди ва юксак маданиятидан далолат беради.

Қазималарда қора тошдан бежирим йўниб ишланган доирасимон диск топилди. Кўринишидан упадонни эслатувчи диск марказида ғайриоддий мавжудот тасвирланган бўлиб, ярми от, ярми балиқ шаклида. Бу каби афсонавий образ юнон мифологиясидан яхши маълум ва Гандҳара тарихий-маданий ҳудудида кенг тарқалган. Бинобарин, мазкур намуна қушон даврида Далварзинтепада маданий алоқалар ривожланганидан дарак беради.

Далварзинтепадан топилган ноёб осор-атикалар ҳудудда қадимда диний бағрикенглик, шаҳарсозлик маданияти, тасвирий-амаллий санъат, ҳунармандчилик, савдо-сотиқ ҳамда халқаро алоқалар кенг тараққий этганини кўрсатади. Демак, Далварзинтепа қадимда Бактриянинг йирик сиёсий-иқтисомий ва маданий-маърифий марказларидан бири бўлган. Археологик ёдгорликлардан топилаётган бу каби нодир буюмлар ўз навбатида мамлакатимизнинг қадимий тарихи, маданияти ва санъатини ёритишда муҳим фактологик материал бўлиб хизмат қилади.

Б.ТУРҒУНОВ,
А.ЎЛМАСОВ,
Санъатшунослик
институтини тадқиқотчилари

Тарих ва замон

Ҳайит айёми халқимизнинг энг кўҳна ва боқий аъёнларидан бири. Аждодларимиз бундан минг йиллар муқаддам ҳам ҳайит кунини «байрам» деб атаган экан. Бу сўзнинг асли «байрам» бўлиб, «ўйин-қулги қилинадиган, шодиёна кун» деган маънони англатади.

Демак ҳайит кунлари яхшилик, шижоат, мардлик, халқсеварлик, ахлоқ-одоб тараннум этилган қўшиқларни тинглаш, доврак-лик, полвонлиқни тарғиб қиладиган ўйинларини томоша қилиш каби ўйин-қулгилар билан машғул бўлиш жоиздир. Агар бир мусулмон калбига хурсандчилик киритишга ҳақ қилса, айти мударридир. «Қайси амал афзал?», деб сўрашганда, Расулulloх (с.а.в): «Мўмин калбига хурсандчилик ато этиш», деб жавоб берганлар.

Бу муборак кунлар фазилатидан насиба олиш учун бизлар нималарга эътибор қилишимиз керак? Биринчидан, ортга боқиб, ўтган умримизни сарҳисоб этишимиз лозим. Иккинчидан, шундай дорилмон замон, тинчлик-хотиржамлик ва фаровонликда ҳаёт кечириш, ибодатларимизни мукамил адо этишда яратилган кенг шароитлар учун Парвардигоримизга доимо шукрона айтиб, Ўртбошимиз ва юртдошларимиз ҳақида хайрли дуолар қилишимиз лозим. Зеро, неъматга шукр

қилиш унинг бардавонлигига сабаб бўлади.

Рамазон ҳайити кунлари муҳтожлар, фақир-мискинлар ҳолидан хабардор бўлиш, эҳсон қилиш, болаларга ҳайитлик улашиш лозим. Бу каби ишлар фарзандларимиз онгида миллий-диний қадриятларимизга нисбатан эҳтиром туйғусининг шаклланишига, уларнинг Ватан ва миллатга ҳақиқий садоқатли инсонлар бўлиб тарбия топишида муҳим аҳамият касб этади. Анас ибн Молик (розияллоху анху) ривоят қилади: Расулulloх (соллаллоху алайҳи ва саллам): «Бир-бирингизга ҳадялар беринг, чунки ҳадя, оз ё кўп бўлсин, кек-адоватни кетказсади ва меҳр уйғотади», деганлар.

Ҳайит кунинда бемор кўриш, узоклашиб кетган қариндошлар билан, айрим аразлашган дўст-яқинлар билан айём баҳонасида алоқаларни тиклаш, ярашиб олиш лозим. Чунки манбаларда,

қариндошчилиқни узган, биродарига гина қилган кишиларга фазилатли кунларнинг яхшилиги етмаслиги ҳақида баён этилади. Таниш-билиш, ёру дўст ва ҳар бир кўринган мусулмон кишини ҳайит билан табриклаб, уларга хурсандчилик ва шодлик изхор

қилиш жамиятда инсонларнинг бир-бирларига бўлган ака-укачилик, оға-инилик муҳаббатларини зиёда қиладиган, ўзаро алоқаларини мустаҳкамлайди.

Ҳадисларда бундай дейилган:

Муборак бўлсин!

«Бир-бирларингиздан алоқангизни узманг, бир-бирларингиздан юз ўғирманг, бир-бирингизга ҳасад қилманг, Аллоҳнинг яхши оға-ини бандаларидан бўлинг» (Имом Термизий ривояти). Баъзи жойларда ҳайит кунлари динимизда буюрилмаган, исрофгарчиликка сабаб бўладиган турли маросимлар ўтказиш ҳолатлари кузатилади. Бу динимизга зиддир. Хурсандчилик, шоду хуррамлик рамзи бўлган байрамни аза ва йиғи-сигиға айлантириш мутлақо мумкин эмас. Айнан шу кун остана тағида туриб, белни боғлаб ўзини аздор ҳолатда кўрсатиш

ёки кўчама-кўча юриб таъзияхонлик қилиш каби ишлар динимизда ман этилган. Баъзилар ортиқча уриниб, ўларини қийнаб қўйишади. Ўйин, Рамазон киргандан то ҳайит кунигача, узатган кизининг «ҳайити» ташвишини чекканидан улуг ўйининг файзи ҳам унга татимайди. Ҳолбуки, динимиз бундай ортиқча сарф-харажат, манманлик ва дабдабалардан қайтарган.

Шундай улуг кунларда қариндош-уруғ, ёру дўстлар билан дийдорлашсак, кекса ёшдаги улугларимизни зиёрат қилиб дуоаларини олсак, ўз аҳилларимизга совғалар улашиб, бир-биримизни ва болаларимизни хурсанд қилсак, бунинг савоби улудир.

Бу муборак кунлар кишилар ўртасидаги меҳр-оқибат, мурув-ват, ҳамкорлик ва биродарлиқни кучайтириш кунларидир. Шундай экан, ушбу айём кунини ҳар бир инсонда дийдорлаш, бир-бирларини ҳайит билан қутлаш, меҳрибонлик, саховат, оқибат кўрсатиш каби фазилатлар кўпроқ намоён бўлиши лозим. Чунки айнан шу кун янада олижаноб ва саховатли бўлиш азал-азалдан ота-боболаримиздан қолган хайрли амаллардир.

Абдувоҳид ҲОЗОВ,
«Мовароуннахр» нашриёти
ходими

наева шеърларидан фойдаланилган. Қўшиқларни Ўқтам Қодиров ва Муқаддас Аннаева, асосий ролларни Гулшара Усмонова, Шухрат Нормаматов, Сарвар Зулқайнаров, Мавлон Ҳўрозов, Нурбек Норбоев, Тоҳир Қулсоатов каби актёрлар билан ўқитиб берилган.

Спектаклда рол ижро этган актёрларнинг аксариятини ёшлар ташкил этади. Мазкур жамоа ёшларни огоҳликка қорловчи «Аччиқ қисмат» спектаклини Сурхондарё вилоятининг мактаб ва коллежлари ўқувчилари эътиборига ҳам ҳавола этган.

Қизларгул ШОМИРЗАЕВА

САҲНАДА — ЁШЛАР

Сурхондарё вилоят Жарқўрғон туман халқ театри жамоаси «Кафанси қўмилганлар» номли спектаклни саҳналаштирди. Асарни томоша қилиб терроризмининг жирканч кирдикорлари, манфур кимсаларнинг дин никоҳи остидаги ёлгон ваъдаларига алданиб, адашган одамлар қисматиға гувоҳ бўласиз.

Асар театр бош режиссёри Салимхон Қодиров ва драматург Эркин Норсафар ҳамкорлигида ёзилган, истеъдодли ёш шоира Наргиза Оди-

Вилоят театрларида

Сурхондарё вилоятининг мактаб ва коллежлари ўқувчилари эътиборига ҳам ҳавола этган.

Гул кўп, чаман кўп

ЖАҲОН АДАБИЁТИ ЯНГИЛИКЛАРИ

«Ревизор»нинг хитойчадаги 20-таржимаси

Машҳур драматург Николай Гоголнинг «Ревизор» комедияси хитой тилига йигирма марта таржима қилинган. Бу Хитойда жаҳон адабиёти дурдоналарига бўлган қизиқиш катта эканини кўрсатувчи далиллардан бири сифатида тилга олинмоқда. Шу муносабат билан яқинда ҳар икки мамлакатнинг йирик нашрлари ташаббусига кўра, «Хитойда рус адабиётининг ўн дурдонаси ва Россияда Хитойнинг ўн дурдона асари» лойиҳа-тадбири иш бошлади. Дурдона сифатида рўйхатга киритилган бадий асарларни нуфузли ҳаёт белгилари. Ҳайъат аъзолари сафида буюк адиб Лев Толстойнинг набираси, Россия Федерацияси давлат раҳбарининг маданият ишлари бўйича маслаҳатчиси Владимир Толстой ҳамда буюк хитой адиби Лу Синнинг набираси, бобоси номидаги маданий фонд қотибияти раҳбари Чжоу Линфэй, Нобел мукофоти лауреати Мо Янь, собиқ маданият вазири, машҳур адиб Ван Мэн каби донгдор кишилар бор. Дастлабки таҳминларга кўра, Пушкин ва Ли Бо, Гогол ва Лу Син, Чехов ва Ба Цзинь, Достоевский ва Лао Шэ, Шолохов ва Мао Дунь, Чернишевский ва Го Мохожасарлари «ўн дурдона асар» рўйхатидан ўрин олиши кутилмоқда.

Н. Гоголь



РЕВИЗОР

Изқувар муаллим

Австриялик таниқли прозаик ва драматург Эден фон Хорват (1901 — 1938)нинг «Худосиз ўтган ёшлик йиллари» романи кўплаб тилларга таржима қилиниб доврақ қозонмоқда. Асар бош қаҳрамони мактаб муаллими. Ҳарбий дала шароитидаги сабоқлар пайти ўқувчилардан бири сирли равишда ҳалок бўлади. Полиция текширувни воқеага алоқаси бўлмаган жойлардан бошлайди. Бироқ муаллим ўқувчининг ўлимига ўзини ҳам қисман айбдор ҳисоблаб, мустақил равишда жиноят изидан тушишга қарор қилади. Роман жонли тили, воқеаларнинг қизгин авж олиб бориши билан қизиқиб ўқилади.



Польша адабининг таваллуд санаси

Таниқли поляк адиби, шоир ва драматург, таржимон Ярослав Ивашевич (1894-1980)нинг таваллуд санасига 120 йил бўлди. Адиб 1959-1980 йилларда Польша Ёзувчилар уюшмасига раислик қилган. Унинг «Зенобия. Пальмира», «Гиларий, ҳисобчининг ўғли», «Вилхелим олимпиадалар», «Утратдаги тегирмон», «Нанадаги ёш», «Фредерик Шопен» каби асарлари кўплаб жаҳон тилларига таржима қилинган. «Вилхелим олимпиадалар» романи 1979 йилда экранлаштирилган.



Пабло Нерудага қайтаб

Шеърят муҳлис-лари машҳур Чили шоири Пабло Неруданинг қирқ уч йил муқаддам — 1973 йилнинг гоат тахликали кезлари оламдан ўтганини яхши билишда. Яқинда Чили полицияси тавлабига биноан афсонавий шоир қабри очилиб, қайтадан дарос этиш маросими ўтказилди. Полиция маросимда ҳозир бўлган журналистлар ва жамоатчилик намоёндаларига шоир ўлими сабаблари ханузга қадар маҳмудлигига қолаётгани ва буни аниқлаштириш учун шундай қарорга келингани, шоир қабрини очиб унинг ҳукуматдан махсус рухсат олинганини маълум қилган. Пабло Неруданинг собиқ ҳайдовчиси айтишича, шоир шифохонада саратонга қарши муолажа олаётганда барчага сирли равишда ногоҳоний ўлим топган бўлиши мумкин.



В.ИБРОҲИМОВА

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва «Ижод» жамоат фонди уюшма аъзоси Шодмонкул Саломга онаси

ТИЛЛО аянинг

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР
УЮШМАСИ

ҲОМИЙ:
«МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ»
АКЦИЯДОРЛИК
КОМПАНИЯСИ



O'zbekiston
adabiyoti va san'ati

Манзилми: Тошкент — 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона — 233-52-91
Котибият — 233-49-93

Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 233-58-86 Санъат бўлими: 233-56-40
Ижтимоий ҳаёт бўлими: 233-57-42 Назм ва наср бўлими: 233-58-66

Бош
муҳаррир
Сирожиладин
САЙИД



Тахририятга келган қўёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.
Муаллифлар фикри тахририят нуктаи назаридан фарқланishi мумкин.

Масъул котиб — Асрор СУЛАЙМОНОВ
Навбатчи муҳаррир — Азиз ИМОМОВ
Саҳифаловчи — Зафар РЎЗИЕВ

«ЎЗБЕКИСТОН» нашриёт-матбаа
ижодий уйи босмахонаси.

Босмахона манзили: Навоий кўчаси, 30-уй

Босишга топшириш вақти — 20.00. Босишга топширилди — 01.01

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 26.11.2014 йил 0283-рақам
билан рўйхатга олинган. Адади — 3874. Буюртма S — 6373. Ҳажми — 3 босма табақ А-2.
Нашр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 4 5 6

ЖУМА КУНАЛАРИ
ЧИҚАДИ.

СОТУВА НАРХИ
ЭРКИН.

ISSN 2183-614X

